O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 11 январ сешанба

Сотувда эркин нархда
№ 7 (2304)

**9 январ куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партиясидан Президентликка номзоди кўрсатилган амалдаги Президент Ислом Каримовни дастлабки маълумотларга қараганда, 11 миллион 147 минг 621 нафар сайловчи қўллаб-қувватлаб овоз берди. Бу умумий сайловчилар сонининг 91,90 фоизини ташкил этади.**

## ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧ ИФОДАСИ

Мустақил мамлакатимизнинг янги асрдаги ривожланиш йўлини белгилашда муҳим аҳамиятга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бутун республикамиз бўйлаб юксак уюшқоқлик билан ўтди. Айтиш мумкинки, унда сайловчиларнинг фаол иштироки одамларда буюк келажакка, эртанги фаровон, тинч ва осуда ҳаётга ишонч тобора мустаҳкамланиб бораётганидан, улар юрт тақдирига бефарқ қарамаётганидан далолатдир. Сайловнинг муқобиллик асосида ўтгани эса мамлакатимизда табора мустаҳкамланиб бораётган демократиянинг яна бир ёрқин намойишига айланди.

9 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳам барча ўзбекистонликлар каби сайловда иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари 1-Тошкент шаҳар сайлов округидаги 652-сайлов участкасида ўз фуқаролик ҳуқуқидан фойдаланиб овоз берди.

Шу ернинг ўзида Ислом Каримов журналистларнинг саволларига жавоб берар экан, жумладан шундай деди:



— Аминманки, республикамиз ҳудудидаги барча сайлов участкаларида фуқаролар ўзлари маъқул топган номзод учун онгли равишда овоз бермоқда. Шунинг учун халқимизнинг тўғри йўлни танлашига ишончим комил. Аввалламбор, сайловларда фаол иштирок этаётган халқимизга миннатдорлик изҳор этиб, одамларимиз мана шу саккиз йил давомида амалга оширган ишларимиз, эришган ютуқларимизга холисона баҳо беради, бугунги кунимизни атрофлича таҳлил қилиб, эртанги кунга ишонч билдириб овоз беради, деган умиддаман. Вилоятларда бўлган учрашувларда айтган гапимни яна бир бор такрорлайман: мен халқимга ишонаман, халқимга таъзим қиламан.

Мамлакатимиз раҳбари сайлов натижаларидан қатъий назар, давлатимизнинг эркин, демократик жамият қуриш, бозор иқтисодиётини шакллантириш, фуқаролик жамияти асосларини яратиш борасида юритаётган ҳозирги изчил сиёсати ўзгармаслигига умид билдирди.

Менинг орзуим — мамлакатимизда изчил ривожланишнинг қатъий тизими қарор топишидир, деди Ислом Каримов. Шунда давлатга ким раҳбар бўлишидан қатъий назар, мамлакат ўз истиқлол ва истиқбол йўлидан дадил бораверади ва ҳеч қандай куч халқимизни бу тўғри йўлдан оғдира олмайди.

**Беҳзод УСМОН**
**(ЎзА)**

## ВАТАНДАН ЙИРОҚДА — УНИНГ ИСТИҚБОЛИ УЧУН

### Ўзбекистон Республикаси фуқаролари хорижда бўлсаларда, Ўзбекистон Президенти сайловида иштирок этдилар

Ўзбекистон Республикасининг мамлакатдан анча узоқда жойлашган сайлов участкаларининг эшиклари биринчи бўлиб очилди. Республикамиз аҳолиси энди уйқуга ётганида Ўзбекистоннинг Токио ва Сеулдаги дипломатик ваколатхоналарига шу мамлакатларда вақтинча яшаётган Ўзбекистон фуқароси бўлган 50 фоиз сайловчи келиб бўлган эди. 9 январ куни маҳаллий соат 12 га келиб, сайловчиларнинг 90 фоизи ўз овозларини бериб бўлди. Соат 16 да рўйхатдан ўтган сайловчиларнинг деярли барчаси сайловда қатнашгани қайд этилди.

Таъкидлаш лозимки, чет элда узоқ муддатли хизмат таътилидаги, ўқиш ва малака оширишдаги ўзбекистонликлар 1-Тошкент сайлов округи бўйича овоз бердилар. Бу округ бўйича овоз бериш фаол ўтди. Эҳтимол, бу Ватандан узоқда ўз юрти, уйи, яқинларига бўлган соғинч ҳисси кучлироқ бўлгани сабаблидир. Ўз ватанпарварлик бурчингни бажариш билан сен ёрқин келажак қуришга ўз ҳиссангни қўшган бўласан.

— Мен Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида биринчи бор мамлакатимизни чуқур тарихий илдизлар боғлаб турган Ҳиндистон заминида иштирок этмоқдаман, — деди Олий Мажлис котибияти ходими Жаҳонгир Ғаниев. — Мен Деҳлига Ҳиндистон парламенти ташкил этган ўқишга келганман. Ушбу мамлакат парламенти депутатлари ва машҳур сиёсий арбоблари билан учрашганда, Ўзбекистондаги мустақиллик ва демократия устуворлигига асосланган озод, демократик жамият қуришга қаратилган ислоҳотларнинг Ҳиндистоннинг ижтимоий-сиёсий доиралари орасида кенг муҳокама қилинаётганини, айниқса, равшан ҳис этиш мумкин.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикасининг Осиё-Тинч океани минтақасида жойлашган элчихоналарида овоз бериш Тошкент вақти билан 13.30 да тугади.

Европа ҳудудига қайтадиган бўлсак, таъкидлаш жоизки, бу минтақада биринчи бўлиб Москвадаги элчихона ходимлари ва уларнинг оила аъзолари, хизмат сафаридаги, Москва олий ўқув юртлари талабалари бўлган ўзбекистонликлар овоз бердилар. Навоий тоғ-кон комбинати йўлланмаси бўйича Москва давлат геология қидирув академиясида таҳсил олаётган юз эллик нафар ўзбекистонлик йигит ва қизларни ёш овоз берувчилар орасидаги энг катта гуруҳ деса бўлади. Овоз бериб бўлганларидан сўнг ватандошларни буфетга чақириб, чой ва ширинликлар билан сийладилар. Масофаларнинг анча узоқлигига қарамасдан, соат ўн бирга келиб, Замоскворечьеда жойлашган 16-сайлов участкаси бўйича рўйхатга киритилган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг 55 фоизи овоз бериб бўлдилар.

Агар ўтган якшанбада Москвада қаттиқ совуқ турган бўлса, Германияда илиқ, қуёшли кун бўлди. Ўзбекистон Президенти сайлови ўтказилган Ўзбекистоннинг Бонндаги элчихонасида, унинг Берлиндаги бўлимида ва Франкфуртдаги Бош консулхонамизда ташкил этилган сайлов участкаларида Ватанимиз ҳароратининг акс-садоси бўлмиш айнан шу илиқлик барчага юқори кўтаринкилик бахш этди.

Бу ерга юртдошларимиз — «Умид» жамғармаси талабалари, ишбилармон доиралар, илмий ва маданий муассасалар вакиллари келдилар. Сайловга немис ерига кўчиб кетган, лекин ўзи учун Ўзбекистоннинг келажаги бефарқ бўлмаган, уни ҳалигача ўзининг асл Ватани деб ҳисоблаганлар ҳам келди. Германияда биринчилардан бўлиб бокс бўйича ўн карра жаҳон чемпиони Артур Григорян, мусиқачи Муҳаммад Мамедов, «Умид» жамғармасининг шу ерда ўқиётган талабалари овоз бердилар.

— Мен ва менинг оилам кимга овоз беришни ўйлаб ҳам ўтирмадик. Ўз танловимизни биз аллақачон қилиб бўлган эдик, — деди «Жаҳон» АА мухбири билан суҳбатда Ганновер шаҳрида яшовчи М.Мамедов. — Беш йил илгаригидек биз муҳтарам Ислом Каримовга овоз бердик. Бу ерга кўчиб келган кўпчилик унинг номи билан мустақил Ўзбекистон фаровонлиги ва тараққиётини, ўзларининг ҳозирги куни ва келажагини боғламоқдалар. Миллионлаб ўзбекистонликлар каби биз ҳам Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ғалабасига имонимиз комил. Биз унга ишонамиз ва чин юракдан унинг яна жонажон Ўзбекистонимизга раҳбарлик қилишини истаймиз.

Унинг фикрини Неаполь (Италия) яқинида жойлашган Казерта шаҳрида ишловчи И. Султонов такрорлади: «Ватандан йироқда туриб, мен Ўзбекистонда янги жамият қуриш жараёнини катта эътибор билан кузатиб турибман. Мутлақ аминманки, Президентимиз олиб бораётган оқил сиёсат туфайлигина Ўзбекистонда тинчлик, осойишталик ва тотувлик мустаҳкамланмоқда, ислоҳотлар дадил илгари силжимоқда, чинакам демократик, дунёвий жамият яратилди. Мен ҳар куни ўз ўқувчиларим — италиялик болажонларга Ўзбекистон тўғрисида, ажойиб, бой мамлакатимиз ҳақида сўзлаб бераман. Ўзбекистоннинг келажаги буюк ва бу унинг биринчи Президенти — Ислом Каримов номи билан ажралмас боғлиқ».

Овоз беришнинг якуний босқичи узоқ Америка минтақасида ўтди. Тошкент вақти билан 20.00 да, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сайлов участкалари ўз эшикларини беркитиб, овозлар саноғи бошланганда, Вашингтондаги элчихона биноси Американинг кўплаб шаҳарларидан ўзларининг фуқаролик бурчларини адо этиш — ўз мамлакатлари Президентини сайлаш учун келганлар билан гавжум бўлди.

Ўтган сайлов, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ундаги фаол иштироки ўзбекистонликларнинг ўз мамлакатларининг янгиланиш, бозор ислоҳоти йўлидаги ривожланишини қанчалик чуқур тушунишлари, уларнинг ҳозирда узоқ бўлган Ватанларининг қанчалик яқин ва қадрли эканини яна бир бор намойиш этди.

**«Жаҳон» АА**
**чет элдаги мухбирлари**
**материаллари асосида.**

**Чет эллик кузатувчининг фикри**

## БУ ТАРИХИЙ КУН БЎЛИБ ҚОЛДИ

***Ўтган якшанба куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг боришида юздан зиёд чет эллик кузатувчилар ҳозир бўлдилар. Улардан бири Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси Раисининг ўринбосари Яшар Алиев эди. Бўлиб ўтган сайлов ҳақида у қуйидагиларни ўртоқлашди:***

— Сайлов — бу демократиянинг, мустақил давлатчилик тамойили мустаҳкамланишининг тантанасидир. Ўз тақдирини, ўз келажагини ўзи белгилаш эркин халқнинг энг буюк ҳуқуқларидан бири ҳисобланади. Бу ўтган якшанба куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида тўла даражада рўёбга чиқарилди.



Биз сайловга тайёргарлик демократик нормаларга тўла мувофиқ равишда ташкил этилган Бухоро ва Самарқанд округ сайлов комиссиялари фаолияти билан танишдиқ. Биз ташриф буюрган Бухородаги ҳамда Самарқанддаги сайлов участкаларида овоз бериш юксак даражада, амалдаги қонун ҳужжатларининг барча талабларига риоя этилган ҳолда ташкил этилди. Барча сайловчилар мустақил равишда танладилар, овоз беришнинг бориши ҳақидаги ахборот барча кузатувчилар ва журналистлар учун очиқ бўлди. Биз кўрган ҳамма нарса, бу чинакам эркин, демократик сайлов бўлганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис томонидан тўла-тўкис қўллаб-қувватланаётган собитқадам ва изчил сиёсати мамлакатингизнинг келажагига, Ўзбекистоннинг демократия ва тараққиёт йўлидан муваффақиятли ривожланишига улкан ишонч бахш этади. Ишончим комилки, давлатингиз XXI асрда жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллайди.

Биз, сизнинг ҳақиқий қардошларингиз сифатида, Ўзбекистоннинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва бошқа соҳалардаги ютуқларидан чин дилдан қувонамиз. Жамиятни ривожлантиришнинг кўпинча ўзбек модели деб аталувчи сизнинг миллий моделингиз чет эллардаги талай сиёсий ва давлат арбобларининг эътиборини кўпдан буён ўзига жалб этмоқда. У Озарбайжонда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

Давлатларимизнинг ҳамкорлиги йил сайин мустаҳкамланмоқда. Бу ҳамкорлик ривожига Президентлар Ислом Каримов билан Ҳайдар Алиевнинг учрашувлари кучли омил бахш этди. Учрашувлар жараёнида ўзаро фойдали икки томонлама битимлар имзоланди. Иккала давлат парламентларининг аъзолари Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасида шерикчилик алоқаларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқдалар. Биз ўзаро фойдали келишувларга асосланган бундай ҳамкорликни ривожлантиришимиз ва мустаҳкамлашимиз зарур.

Мен халқаро кузатувчи сифатида айнан Ўзбекистон тупроғида эканлигимдан шодман. Ўзбекистон ва Озарбайжон халқларида кўп нарса — дин, ўзлик, маънавий ва маданий илдизлар умумийдир. Яратганнинг ихтиёри ила бир-биримизни ҳар икки тилда ҳам бир сўз билан чақирамиз «қардош» деб. Ва умуман келажагимиз ҳам муштарак эканлиги аниқ. Зеро, узоқ ўтмишда ҳам дўстлик ва қардошлик тимсолига айланиб қолган Буюк Ипак йўли бизларни бирлаштириб турган. Бугунги кунда ҳам биз демократия ва тараққиёт йўлидан биргаликда боришимиз керак — бу биргина сиёсатчиларнинг ихтиёри эмас, балки ҳар иккала халқнинг қатъий хоҳиш-иродасидир.

## 2000 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ

### Марказий сайлов комиссияси Матбуот марказидан репортаж

**2000 йил, 9 январ.** Бу кун XX аср поёнидаги, аниқроғи, унинг сўнгги йилидаги улкан воқеалардан бири сифатида халқ хотираси, Ватан ва миллат тарихига муҳрланиши аниқ. Ҳа, бу мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий соҳада амалга ошираётган ислоҳотларнинг чинакам мевасидир. Ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамиятини шакллантириш томон ташланган яна бир амалий қадамдир... Биз кун сўнггида ана шундай хулосаларга келдик, буни нафақат биз, балки нисбатан холис бўлган хорижлик ҳамкасбларимиз, халқаро кузатувчилар ҳам эътироф этишди.

9 январ тонгини биз ҳам фуқаролик бурчимизни бажаришдан бошладик. Соат 7 дан ўтаётган эди. Пойтахтимизнинг Сергели тумани ҳудудида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 1-Тошкент шаҳар сайлов округига қарашли 320-сайлов участкаси анча гавжум экан. Қоидага мувофиқ, сайлов бюллетенини олиб, тўғри қабинага кирдик. Ва, мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, фидойи инсон Ислом Каримовга овоз бердик. Ундан чиқиб журналист эмасмизми, сайлов участкаси раиси ҳузурига кирдик. Суҳбатимиз, табиийки, сайлов билан бошланиб, сайлов билан тугади.

— Ишонасизми, сайловчиларнинг биринчи қисми йигирматакам олтида келишди. 6 гача пойлаб, овоз бериб кейин кетишди, — деди Мавжуда опа. — Ҳозир овоз берганлар сони 10 фоиздан ошиб қолди...

Навоий кўчаси 16-уйда жойлашган Марказий сайлов комиссияси Матбуот маркази мен ўйлаганимдан-да гавжум экан. Матбуот маркази раҳбари Шерзод Қудратхўжаев бугун марказга йигирмага яқин хорижлик журналистлар, юздан зиёд Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари вакиллари ташриф буюрганини айтди. Матбуот марказидан туриб дунёнинг исталган мамлакати билан боғланишингиз, ахборот етказишингиз ва ахборот қабул қилиб олишингиз мумкин. «Интернет» алоқа тармоғи учун махсус хона ажратилган. Ўнта компьютер ва нусха кўчириш машинаси журналистлар хизматида. Унинг ёнидаги хонада ўзбек, рус ва инглиз тилларида тайёрланган сайловга доир маълумотлар, ҳуқуқий адабиётлар ўрин олган. Биз уларни кўриб, чамалаб «Президент сайлови ҳақида умуман маълумотга эга бўлмаган одам ҳам кўпи билан бир соатнинг ичида тўлиқ маълумот ола билар экан», деган фикрга келдик. Марказнинг кириш эшигидан тўғри юрсангиз, матбуот анжумани ўтказиладиган катта ва ораста хонага кирасиз. У ерда ихчам, замонавий камералар ўрнатилган. Залнинг тўридан Марказий сайлов комиссияси раиси ва Матбуот маркази раҳбари учун махсус жой ажратилган. Улар бугун куннинг 3 маҳали — соат 12, 16 ва кеч 21 да журналистларни сайлов жараёни ва сайлов округларидан олинган маълумотлардан бохабар қилиб туришади.

Ниҳоят ҳамма интиқлик билан кутаётган 12.00 ҳам келди: биринчи матбуот анжумани бошланди. Матбуот марказига Марказий сайлов комиссияси раиси Нажмиддин Комилов ташриф буюрди. Ҳаяжонли дақиқалар. Ҳамманинг нигоҳида бир савол зоҳир: «Ҳозиргача қанча сайловчи овоз бердийкин?»

Нажмиддин Комиловнинг нигоҳидаги хушнудлик, мамнунлик журналистларнинг назаридан четда қолмади. Лекин аниқ айтилган рақам ёки сўз яхшида. МСК раиси сўзининг аввалида барча сайлов округларида



сайлов юқори савияда, уюшқоқлик билан ўтаётганини алоҳида таъкидлади. Ва айни пайтда мамлакат бўйича сайловчиларнинг 54,5 фоизи овоз бериб бўлганини, саккизта округда овоз бериш натижалари 50 фоиздан ошганини айтди. Ҳар бир округ ва участкада Президентликка номзодларнинг кузатувчилари иштирок этаётгани, улардан ҳозиргача ҳеч қандай шикоят ёки ариза тушмаганини маълум қилди.

МСК раиси, айни пайтда, жаҳоннинг 20 дан ортиқ мамлакати ва қатор нуфузли халқаро ташкилотлардан келган 100 дан зиёд халқаро кузатувчилар, хорижий журналистлар барча округларда бўлиб, сайлов жараёнларини кузатиб боришаётганини, улардан ҳам ҳозиргача ҳеч қандай эътироз тушмаганини билдирди.

**(Давоми 2-бетда).**

## КЕЛАЖАК БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

Маълумки, таълим ҳар бир жамиятнинг ажралмас қисми, маданияти ва ривожланишининг асосий кўрсаткичидир. Ҳар қандай мамлакат истиқболли режалар тузар экан, аввало, таълимга эътиборни кучайтиради. Шу маънода мустақиллигимизнинг илк кунларидан бошлаб Президентимизнинг **«Келажак бугундан бошланади. Ҳозир тарбия масаласига эътибор қилинмаса, келажак бой берилади. Тарбиядан ҳеч нарсани аямаймиз!»** деган даъватлари остида таълимни ислоҳ қилишга киришилиб, аввало, «Таълим тўғрисида қонун», сўнгра Кадрлар тайёрлар Миллий дастури яратилди. Комил инсон тарбияси давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилинди.

Бугун дунё маърифатпарварлари қисқа вақт ичида Ўзбекистонда юз берган улкан ўзгаришларга, эришилган натижаларга юксак баҳо бериб, Президент Ислом Каримов томонидан яратилган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини таълимни ислоҳ қилиш йўлини тутган мамлакатлар учун намуна сифатида тавсия этмоқдалар.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, унинг асосида қабул қилинган ҳукумат қарорлари ижросининг таҳлили, илк самаралар Ўзбекистоннинг буюк келажагига мустаҳкам пойдевор қўйилаётганидан далолат беради.

Буларнинг энг асосийси — бу таълим мазмунининг янгиланганлигидир.

Таъкидлаш жоизки, таълим мазмунини янгилашда биз конструктив йўлдан бордик. Яъни, биз амалиётимизда қўлланилаётган иш шакллари ва услубларини мутлақо бузиб ташлаш эмас, қўлга киритилган, синовдан ўтган, таълим мазмунини яхшилашга самарали таъсир ўтказаётган иш шакллари ва услубларини сақлаб қолиш йўлидан бордик. Масалан, барчанинг элементар саводхонлиги — ўқиш-ёзишни билиши; аниқ фанларни ўқитишда ва билим беришда пухталилик тамойилларини таъминлаш; фундаментал фанларни ўқитиш соҳасида қўлга киритилган ютуқлар сақлаб қолинди. Айни пайтда, таълимдаги абстракт материаллар — қайтариқ ва такрорланишлардан, матнларни баён этишдаги ўта узоқ ахборотлардан, мустабид тузум даврининг сохта, тўқима, ясама материалларидан (айниқса, тарих, фалсафа, география, ҳуқуқ, жамиятшуносликда) воз кечдик.

Таълимнинг қуйи босқичида учрайдиган ўта мураккаб, ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши қийин материаллар, кейинги юқори босқич синфларга ўтказилди.

Умумий таълимнинг янги тизимида (1-4, 5-9 синфлар) бериладиган билим ва кўникмалар 3 йиллик академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида бериладиган билимларга мослаштирилди, у ёки бу фандаги айрим боблар, мавзулар 3 йиллик таълим тизими босқичига киритилди.

Мазмун танловида коммуникатив йўл тутилди, яъни ўқувчи ёши, ўқув материалларини ўзлаштириш, қабул қила олиш имконияти, қизиқиш ва интилиш қобилияти ҳисобга олинди. Бошқача қилиб айтганда, таълим мазмуни ва унинг юкламасини белгилашда болани зўриқтириб юбормасликка ҳаракат қилинди. Бундан мақсад — таълим юкламалари бола соғлигига зарар келтирмасин, соғлом авлодни тарбиялаш манфаатларига мос келсин, болаларни мактабдан, фанларни ўзлаштиришдан бездирмасин, уларни билим олишга иштиёқини оширсин. Бир сўз билан айтганда, биз таълим мазмунини шакллантиришда ўқувчи манфаатлари устуворлигидан келиб чиқдик.

**(Давоми 2-бетда).**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

2000 йил 9 январда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида халқимизнинг мутлақ кўпчилик овозини олиб, ишончли ғалабага эришганингиз билан чин кўнгилдан самимий табриклайман! Ушбу юксак лавозимга қайта сайланганингиз Сизнинг умумхалқ эътирофига сазовор бўлганлигингиздан ва Сиз юритаётган ислоҳотлар сиёсатининг ватандошларимиз томонидан якдиллик билан қўллаб-қувватланаётганлигидан далолат беради. Президент сайлови, 1999 йил декабрида бўлиб ўтган парламент сайловидек, мамлакатимизнинг демократия сари ҳаракатида янги қадам бўлди. Сайловлар фуқароларнинг сиёсий фаоллиги ошганлигини, уларнинг ўз сайлов ҳуқуқларидан фойдаланиш орқали давлат ҳокимиятини шакллантиришда бевосита иштирок этишга интилаётганликларини кўрсатди. Бу билан мустақил Ўзбекистон ўзининг нафақат эркин демократик ривожланиш тамойиллари тарафдори эканлигини, балки уларни изчиллик билан амалда татбиқ этаётганлигини ҳам бутун дунёга намойиш этди.

Ушбу тарихий ўзгаришларга баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келаётган Ўзбекистон Халқ демократик партияси бундан кейин ҳам, ҳеч шубҳасиз, ўзининг барча куч ва имкониятларини мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳондаги илғор демократик давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши, жамиятимиз ҳар бир аъзосига инсонга муносиб ҳаёт кечириш ва камол топиши учун зарур бўлган ҳамма шарт-шароитни яратишга, ҳур Ватанимизнинг довруғини бутун дунёга таратишга қаратади.

Халқимиз манфаатлари йўлидаги серқирра фаолиятингизда Сизга улкан зафарлар тилайман.

Чуқур ҳурмат ва эҳтиром ила,

**Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,**
**Ўзбекистон ХДП МК**
**биринчи котиби.**

*Бисмиллоҳир роҳманир роҳийм*

## ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ПРЕЗИДЕНТИ МУҲТАРАМ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Қадрли Ислом Каримов жаноблари, Сизни халқимиз томонидан кўтаринки руҳда яна бир бор Ватанимиз раҳбарлигига қайта сайланганингиз муносабати ила чин қалбдан самимий муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Ўзбекистон халқи янги юз йилликнинг дастлабки кунларида, муборак Рамазон байрамининг иккинчи кунида Сиз жаноби олийларининг номзодингизни қўллаб овоз бериш билан келажаги буюк ўзбек давлатининг энг муносиб раҳбарини сайлаганидан ғоят мамнунмиз.

Аллоҳ таоло Сизнинг юртимиз равнақи, халқимиз бахт-саодати йўлида олиб борадиган барча ишларингизда Ўзи мададкор бўлсин, Сизга соғ-саломатлик, улкан муваффақиятлар ато этсин.

Камоли эҳтиром ила,

**Муҳаммад Содиқ Муҳаммад ЮСУФ**

# ЮРТИМИЗ РАВНАҚИ, ТУРМУШИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ, ТИНЧЛИГИМИЗ

## 2000 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Матбуот анжуманида журналистларни, табиийки, хорижий мамлакатларда ташкил этилган сайлов участкалари ҳам қизиқтирди. МСК раиси хорижий мамлакатларда 40 та сайлов участкаси ташкил қилинганини айтди. «Жаҳон» ахборот агентлигидан олинган маълумотларга қараганда, хорижий мамлакатлардаги сайлов участкаларида ҳам овоз бериш жараёни давом этмоқда. Масалан, Москва шаҳрида ҳозиргача 55 фоиз сайловчи овоз бериб бўлган, деди у.

Матбуот анжуманидан сўнг барча халқаро факсли телефонлар, «Интернет» алоқа тармоғи, компьютер ва телефон хоналари журналистлар билан гавжум бўлди. Табиийки, улар ўз нашрлари ва мамлакатларига сайловнинг илк натижалари ҳақида маълумот ва ахборотларни кетма-кет узата бошлашди. Биз ҳам шу аснода телефон орқали айрим сайлов округлари билан боғланишга ҳаракат қилдик. Биринчи боғланганимиз 8-Сирдарё сайлов округи бўлди. Округ раиси, «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси Абдусаттор ака Муҳамедов телефон гўшагини ўзи кўтарди.

— МСК раиси ҳозир сизларда овоз берган сайловчилар сони 50 фоиздан ошди, деган маълумотни тарқатди. Табриклаймиз.

— Раҳмат. Биз ҳам ҳозир телевизордан кўрдик. Бевосита олиб беришди, — деди раис...

Биз Абдусаттор ака билан хайрлашганимиздан кейин телефон орқали аввал Хоразм, кейин Сурхондарё сайлов округлари билан боғландик. Улар билан ҳам суҳбатимиз ана шу тақлидда кечди.

Соат кундуз 3 ларга яқин Матбуот марказига кореялик халқаро кузатувчи Лимб Токкю ташриф буюрди. Табиийки, журналистлар уни бир зумда қуршаб олишди.

— Тошкент шаҳридаги бир неча сайлов участкасида бўлдим, — деди у. — Ҳаммасини ўз кўзим билан кўрдим. Сайлов жойларда юксак фаоллик билан давом этаяпти. Бу, албатта, бежиз эмас. Буни, биринчидан, сайловга яхши тайёргарлик кўрилгани, иккинчидан, номзодлардан бирига Ўзбекистон халқи ниҳоятда ишониши ва уни қадрлаши билан изоҳлаш мумкин.

Кеча бўш вақтим бор эди. Ана шундан фойдаланиб, турли тоифа одамлар билан суҳбатлашдим. Ва Ислом Каримовни бу қадар юксак обрў қозона олганидан ҳайратда қолдим.

Яна шуни ҳам айтишим керакки, — деди у, — Ўзбекистондаги сайловга Кореяда қизиқиш катта: улар сайлов натижаларини интиқлик билан кутишаяпти. Ислом Каримовни у ерда ҳам жуда яхши билишади. Мен сайлов юртингизда юксак савияда ўтишига ишонаман.





Соат 16.00 даги матбуот анжуманида МСК раиси шу пайтгача умумий сайловчиларнинг 81,96 фоизи овоз бериб бўлгани ҳақида маълумот берди. У шунингдек, «Жаҳон» ахборот агентлиги маълумотларига таянган ҳолда Европа мамлакатларидаги сайлов участкаларида умум Европа вақти билан куннинг биринчи қисмида сайловчиларнинг 60 фоиздан ортиғи сайловда иштирок этганини маълум қилди.

Куннинг иккинчи қисмида Матбуот марказига кўплаб халқаро кузатувчилар ташриф буюришди. АҚШлик халқаро кузатувчи Борис Қандов ўзининг Андижон, Бухоро, Самарқандда бўлганини, қаерда бўлмасин сайлов юксак фаоллик билан ўтаётганини алоҳида таъкидлади.

Хитойлик халқаро кузатувчи Мяо Хуашоунинг фикрлари ҳам холислиги ва ҳаққонийлиги билан журналистларда яхши таассурот қолдирди.

— Мен ҳам бир нечта сайлов участкаларида бўлдим, — деди у. — У ердаги тартиб-интизомдан қониқиш ҳосил қилдим. Ҳамма жойда сайловчиларнинг юксак фаоллигини кузатдим. Ўзбекистон ҳақида тасаввурларим янада бойиди. Энг муҳими, Ислом Каримовга ўзбекистонликлар қаттиқ ишонишар экан. Ва бу ишончни мен ниҳоятда табиий, деб биламан. Чунки Президентингиз ўз юрти, халқи учун жуда ҳам катта ишлар қилишга улгурди. Ва бу ишларни яна ўзи давом эттириши керак, деб ўйлайман. Шу боис, унга сайловда муваффақият тилайман. Мен яна шу ўринда Президентингизнинг Хитой ва Ўзбекистон муносабатларини янада юксак поғонага кўтаришдаги хизматларини алоҳида таъкидлашни истардим.

Ва ниҳоят, соат кеч 21.00 да охирги матбуот анжумани бўлиб ўтди. МСК раиси Нажмиддин Комилов дастлабки маълумотларга қараганда мамлакатимиз сайловчиларининг 92,57 фоизи сайловда иштирок этганини маълум қилди. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловдаги натижалари эса айни пайтда ҳисоб-китоб қилинмоқда. МСК раиси матбуот анжумани сўнггида сайлов жараёнига боғлиқ барча натижалар эртага соат 12.00 да маълум қилинажагини билдирди.

* * *

**10 январ.** Шу куни Марказий сайлов комиссияси Матбуот марказида маҳаллий ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда халқаро кузатувчилар иштирокида бўлиб ўтган матбуот анжумани Президент сайлови натижаларига бағишланди.

Марказий сайлов комиссияси раиси Нажмиддин Комилов бу ҳақда ахборот берар экан, бўлиб ўтган сайлов тегишли қонунлар доирасида муқобиллик асосида ўтганини ва унда республикамиз сайловчилари чинакам сиёсий фаоллик кўрсатганликларини алоҳида таъкидлади. Бу эътироф бежиз эмас. Чунки, бўлиб ўтган сайловда рўйхатга олинган 12 миллион 746 минг 903 нафар сайловчидан 12 миллион 123 минг 199 нафари овоз беришда иштирок этган. Бу кўрсаткич умумий сайловчилар сонининг 95,10 фоизини ташкил қилди. 3,92 фоиз, яъни 470417 та бюллетен ҳақиқий эмас, деб топилди. Сайловда жуда катта устунлик билан Фидокорлар миллий демократик партиясидан Президентликка номзоди кўрсатилган амалдаги Президент Ислом Каримовнинг ғалаба қозонганлиги матбуот анжуманида эълон қилинди. Таъкидланганидек, Ислом Каримов номзодини 11 миллион 147 минг 621 нафар, яъни умумий сайловчилар сонининг 91,90 фоизи қўллаб-қувватлаб овоз берган. Халқ демократик партиясидан Президентликка номзоди кўрсатилган Абдулҳафиз Жалоловга эса 505 минг 161 нафар сайловчи овоз берган. У жами сайловчиларнинг 4,17 фоиз овозини олишга эришган.

Албатта, булар дастлабки маълумотлар. Аммо шуни алоҳида ғурур ва ифтихор билан айтиш мумкинки, 2000 йилдаги илк Президент сайлови мамлакатимизда ўтказилди. Шу боис жаҳонда 2000 йилда сайланган биринчи Президент ҳам Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов бўлди!

Анжуманда айтилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентлиги сайловини АҚШ, Россия, Германия, Япония, Ҳиндистон, Канада, Исроил, Корея Республикаси, Миср, Индонезия, Малайзия, Болгария, Украина, Грузия, Молдова, Латвия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон каби давлатлар ва халқаро ташкилотлардан вакил бўлиб келган кузатувчилар 450 дан ортиқ сайлов участкаларида бўлиб, сайлов жараёнини бевосита кузатишган.

Табиийки, ушбу сайлов ва унинг натижалари ҳақида ҳали кўп ёзилади. Аммо дастлабки хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, халқимиз ҳақиқий юртпарвар, халқпарвар фидоий инсонга овоз бериб, чинакам демократик давлат қуриш йўлида хайрихоҳ эканликларини яна бир бор намойиш этишди. Қолаверса, халқимиз мамлакатимиз эришган Озодлик, Эрк ва Мустақиллик, гўзал Ватанимизнинг келажаги-барчаси Ислом Каримов номи билан боғлиқ эканлигини амалда кўрсатишди.

**Исмат ХУДОЁРОВ,**
**Фурқат САНАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

## ДЕМОКРАТИЯНИНГ ЯНА БИР НАМОЙИШИ

Халқнинг демократиянинг барча талабларига риоя қилган ҳолда раҳбарни ўзи танлаши катта саодатдир. Бугун дунёда ана шундай бахтга сазовор халқлар қаторида Ўзбекистон аҳли ҳам бор. Халқимиз 9 январ куни демократик меъёрларга тўла амал қилган ҳолда ўз Президентини сайлади. Бу кун халқимизнинг ёрқин истиқбол сари қўйган яна бир муҳим қадами бўлди.

Мамлакатимизда Президент сайловининг ўтказилиши халқаро ҳамжамиятнинг диққат-марказида бўлгани бугун ҳеч кимга сир эмас. Бу эса мустақиллигини қўлга киритганига эндигина саккиз йилдан ошган, бироқ шу қисқа фурсат ичида бутун бўй-басти билан жаҳонга юз тутиб, турли соҳаларда эришаётган ютуқлари билан барчани лол қолдираётган Ўзбекистон деб аталган юртга бўлган катта қизиқишнинг нишонасидир.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентлиги сайловини турли мамлакат ва халқаро ташкилотлардан вакил бўлиб келган 100 дан ортиқ кузатувчи ўз нигоҳи билан кўздан кечирди. Улар мамлакатимизнинг турли бурчакларида бўлиб, сайловнинг халқаро меъёрларга риоя қилинган ҳолда ўтишини назорат қилди. Уларга ўз фаолиятини амалга ошириш учун барча шароит муҳайё қилинди. Халқаро кузатувчиларга олдиндан огоҳлантиришсиз, ўзлари истаган сайлов участкасига бориб, овоз бериш жараёнини кузатиш имконияти яратилди. Бу эса баъзи хорижий оммавий ахборот воситаларида нохолислик билан айтилган: “Ўзбекистонда сайлов пайтида кўзбўямачиликларга йўл қўйилиши мумкин”, деган шубҳага ўрин қолдирмади. Кузатувчилар, жумладан, кўплаб хорижлик журналистлар ҳам, Ўзбекистонда истиқлолдан кейинги қисқа муддатда демократиянинг пойдеворини яратиш йўлида катта қадам ташланганини, бу демократиянинг асоси халқаро миқёсда қабул қилинган талаблар ва миллий ўзига хослик билан уйғунлашиб бораётганига яна бир бор гувоҳ бўлди.

— Мен Тошкент шаҳрининг турли туманларидаги тўртта сайлов участкасида бўлиб, овоз бериш жараёнини шахсан кузатдим,— деди **Америка Қўшма Штатларидан ташриф буюрган халқаро кузатувчи Жоан Жордано.** — Шунга гувоҳ бўлдимки, сайлов тўлалигича демократик тамойиллар асосида ташкил этилган. Эрта тонгдан турли миллат, касб ва ёшдаги кишиларнинг ўзлари хоҳлаган номзодга овоз бериш учун сайлов участкалари сари оқиб келаётганини кўрдим. Сайловчиларнинг фаоллиги жуда юқори бўлганлиги мени лол қолдирди. Бу эса фуқароларнинг ўз бурчларини яхши англаши, айнан уларнинг овози Ватан тақдирини ҳал қилишига ишончидан далолат беради. Эътиборимни тортган яна бир ҳол — сайловга келаётган кишиларнинг чеҳраси очиқ ва хотиржамлиги эди. Бу эса уларнинг эртанги кунга ишончидан дарак беради. Таъкидлаш кераккки, сайлов комиссиялари таркибига юқори мартабали амалдорлар эмас, балки жамоатчиликнинг оддий вакиллари киритилган. Айнан ўшалар сайлов тугагач, овозларни ҳисоблайди. Бу эса улкан тадбирнинг демократик руҳда ўтказилганидан яна бир далолатдир.

Президент сайловининг боришини кузатиш учун Наманган вилоятига ташриф буюрган **Россия стратегик тадқиқотлар институти директори Евгений Кожокин** фуқароларнинг сайлов участкаларига келиши эрта тонгданоқ бошланганини кўриб, ҳайратга тушганлигини яширмади. Кузатувчининг ҳайратланганича бор. Парвардигор эрта турганнинг ризқини бутун қилади. Сайлов куни ҳам халқимиз аждодларимиздан қолган мазкур ҳикматга амал қилди. Зеро, эртанги кунимизнинг чароғонлиги, ризқимиз мўл-кўллиги 9 январ тонгидан бошланган мана шу улкан тадбирга кўп жиҳатдан боғлиқлигини халқ ҳис этди. Буни шундан ҳам билса бўладики, шу куни соат кундузги ўн-ўн бирларга қадар сайлов участкаларида рўйхатдан ўтган сайловчиларнинг асосий қисми овоз бериб бўлган эди.

**Озарбайжон Республикаси инсон ҳуқуқлари институти директори, мамлакат Марказий сайлов комиссияси аъзоси Равшан Мустафоев** кўплаб давлатларда бўлиб, уларнинг сайлов тизими билан яқиндан танишлигини таъкидлар экан, Ўзбекистонда мустаҳкамланиб бораётган демократия фақат бизнинг юртимизга хос жиҳатлари билан алоҳида ажралиб туришини айтди. — Кўп мамлакатларда фуқароларнинг сиёсий фаоллигини таъминлаш ҳамон муаммо бўлиб қолмоқда, — деди у. — Бироқ Ўзбекистонда бунинг аксини кўрдим. Мен халқингизнинг ўз юрти тақдирига, унинг эртанги кунига ўта масъулият билан қарашдек олижаноб фазилатининг гувоҳи бўлдим. Бундай фаоллик ва сиёсий ҳамжиҳатлик билан фахрлансангиз арзийди.

Айтиш жоиз, АҚШ ва Ўзбекистон ўртасида барча соҳаларда бўлгани каби таълим борасида ҳам ҳамкорлик тобора ривожланиб бормоқда. Жумладан, **Американинг халқаро таълим бўйича кенгаши (АКСЕЛС) президенти Ден Девидсон** ҳам Ўзбекистон Президенти сайловининг боришини ўз кўзи билан кузатиш учун юртимизга ташриф буюрди.

— Мамлакатингизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар АҚШда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонни муҳим ҳамкоримиз, деб ҳисоблаймиз ва ўзаро алоқаларни янада ривожлантириш йўлидан борамиз. Республикангизда амалга оширилаётган кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ўз кўлами ва аҳамияти жиҳатдан тенгсиздир. “АКСЕЛС” ҳам бу жабҳада юртингизда қатор қўшма лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Жаҳонга юз тутиш - сизнинг ҳаётингиздан мустаҳкам ўрин олаётган демократиянинг яна бир кўринишидир. Кишиларнинг дунёқараши ўзгармоқда. Буни ҳар бир фуқаро ўзининг сайлаш ҳуқуқидан эркин фойдаланиб, ҳеч қандай тазйиқсиз ўз номзодини танлаган Президент сайлови яна бир бор исботлади.

**Германиялик профессор, Германия-Марказий Осиё жамияти президенти Райнхард Зандер** сайлов участкаларининг жиҳозланиши, у ердаги ташкилотчиликнинг юқори даражада эканини таъкидлади. Шунингдек, Ички ишлар вазирлиги академиясининг ўз сайлов участкасига эга бўлгани ҳам меҳмонни ҳайратга солди. Германияда бу сингари сайлов участкаларини учратмаганман, — деди Р.Зандер. — Биз сайловчилар билан суҳбатда уларнинг ўз конституцион ҳуқуқини амалга оширишга бўлган чанқоқлиги ва ички ишончига гувоҳ бўлдик.

Юртимизда ўтказилган Президент сайловини кузатиш учун келган кўплаб хорижий меҳмонлар сафида Хитой ҳукумати қошидаги Европа ва Осиё ижтимоий тараққиёти тадқиқот институти ижрочи директори Миао Ҳуашоу ҳам бор. - Ўзбекистондаги шундай улкан тадбирга таклиф этилганимдан хурсанд бўлдим ва катта қизиқиш билан мамлакатингизга келдим, — деди у. — Сайлов куни куннинг ярмигача саккизта сайлов участкасида бўлиб, овоз бериш жараёнини кузатдим. Сайловда уюшқоқлик, тартиб-интизом, айни пайтда, демократияга хос эркинлик ҳукмронлигига гувоҳ бўлдим. Мен овоз бериш учун келган 86 ёшли чолни ва сайловда илк бор қатнашаётган ёшларни кўрдим. Бу эса фуқаролар ўз ватанини қанчалик севиши, эъзозлашидан далолатдир.

**Германиянинг “Kultur Marketing” ташкилоти вакили Гудрун Геллер** эса Президент сайлови пайтидаги ўз кузатишларини қуйидагича баён қилди:

— Биз Тошкентда қанча узоқлашганимиз сари сайлов участкаларининг ранг-баранглиги, уларни безатишга кишилар ўз қалб-қўрларни бағишлаганига шунча кўп гувоҳ бўла бордик. Бу эса пойтахтдан йироқлашган сари кишилар учун сайловнинг аҳамияти камайиб эмас, аксинча орта борганини кўрсатади. Жойларга ташрифимиз чоғида хорижлик меҳмон сифатида бизга баъзи миллий анъаналарни таништиришди. Биз ўзимизга кўрсатилган меҳмоннавозликдан лол қолдик.

Сайловларни маълум маънода жамиятнинг кўзгуси, дейиш мумкин. Сайлов фуқароларнинг нечоғли ҳуқуқий маданиятга эгалиги, ижтимоий фаоллигини кўрсатади. **АҚШнинг “American Eagle Int.” компанияси президенти Борис Пинкус** халқаро кузатувчи сифатида Тошкентдаги бир қанча сайлов участкаларида бўлиб, юқорида таъкидланган кўрсаткичлар Ўзбекистонда анча юқори эканига амин бўлди. — Мен бир неча йилдирки, турли мамлакатларда сайлов тадбирларида иштирок этиб келаман ва Ўзбекистон Президенти сайловини бошқа жойлардаги шу каби тадбирларга қиёслаш имконига эгаман, — деди у. — Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистонда ўтган Президент сайлови ўз эркинлиги ва демократик руҳи билан ривожланган давлатларда бўладиган сайловлардан қолишмайди. Кузатув жараёнида демократик тамойилларга зид бўлган бирор ҳолатни учратмадим. Менимча, жаҳон оммавий ахборот воситалари вакиллари мана шу ҳақиқатни англаб, ўзларининг холисона фикрини билдирсалар, яхши бўларди.

**Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Бҳаскар Кумар Митра** сайлов жараёнини Жиззах вилоятидаги Дўстлик туманида кузатиб, у барча ҳуқуқий меъёрларга амал қилинган ҳолда ўтганини таъкидлади. Республикангиз мустақилликни қўлга киритгандан буён демократияни қарор топтириш йўлида катта қадамлар ташлаб улгурди, деди у.

**Россия Федерацияси Президенти қошидаги баҳсли ахборотлар бўйича суд палатаси аъзоси Михаил Мельников** ҳам мамлакатимиз фуқароларининг фаоллигига юқори баҳо берди. — Декабр ойида бўлиб ўтган парламент сайлови ҳам ана шундай юксак савияда ўтганидан хабарим бор, — деди у. — Назаримда, сайловларда аҳолининг фаол иштирокига асосий сабаб қонунларингизнинг мукаммаллигидир, — деди россиялик кузатувчи. — Ўзбекистоннинг сайловларга оид қонунлари билан танишиб, у халқаро ҳуқуқ ва демократия тамойилларига тўла жавоб беришига амин бўлдим. Менга маъқул бўлган яна бир жиҳат сайлов ҳақидаги қонунларда мамлакат ва халқнинг миллий ўзига хослиги назарда тутилганидир.

Шундай қилиб, Ўзбекистон халқи навбатдаги беш йилликка ўз Президентини сайлади. Бу бахтга мамлакатимизнинг амалдаги Президенти Ислом Каримов муяссар бўлди. Президент сайлови кўплаб халқаро кузатувчилар, хорижий журналистлар эътироф этаётганларидек халқаро меъёрларга тўла мос равишда демократик тамойиллар асосида ўтди.

**(ЎзА)**

## КЕЛАЖАК БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Таълим мазмунини яхшилишда биз асосланган тамойиллардан бири бу — миллий тарихимиз, қадриятларимиз, маданиятимиз, этно-педагогика, этно-психология, буюк алломаларимизнинг фанни ривожлантириш соҳасидаги илмий мерослари, маҳаллий материаллар, ҳар бир предмет матни ва мазмунига сингдирилганлигидир. Шунингдек, биз амал қилган бу тамойилда таълимдаги ҳудудий, маҳаллий умумжаҳон фанларининг ютуқлари ҳисобга олинди.

Янгиланган таълимнинг яна бир ўзига хос хусусиятини — болаларнинг қизиқиши, мойиллиги, истеъдоди, интеллектуал эҳтиёжини қондириш мақсадида мактаблар ихтиёрига алоҳида дарс соатлар ажратилганида кўриш мумкин. Бундай ёндошувни амалга оширишда ихтисослаштирилган, йўналтирилган мактаблар, синфлар, гуруҳларни ташкил этиш ҳам кўзда тутилди.

Юқоридаги талаблар асосида мактабгача таълим учун махсус миллий дастур яратилди. Мактабгача таълимда болаларни ўқув-тарбия ишларининг мактаб босқичига тайёргарлик даражасини таъминлашга бўлган давлат талаблари ишлаб чиқилди ва синовдан ўтказилмоқда.

Авваллари фарзандларимиз фақат болалар боғчаларида тайёрланган бўлса, бугунги кунда бу жараён болалар боғчаларида, оила, боғча — мактабларда, болаларни мактабларга тайёрловчи марказларда, нодавлат мактабгача таълим муассасаларида амалга оширилмоқда. Бу соҳадаги вазифаларни ҳал қилиб бориш учун махсус энага — тарбиячилар тайёрлашга киришилди.

Мамлакатимиз таълими тарихида биринчи маротаба умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди. Мазкур стандартлар янги ўқув дастурлари билан бирга 1998-99 ўқув йилида 322 та умумий ўрта таълим мактабларида тажриба-синовдан ўтказилди.

Уни ўтказишда амалиётчи — ўқитувчи, олим ва методистнинг ҳамкорлигига таянилди. Таълим тизимидаги мазкур тажриба-синов натижалари илмий-методик нуқтаи назардан чуқур таҳлил қилинди ҳамда таянч ўқув режаси, давлат таълим стандарти ва ўқув дастурлари мазмунига ислоҳотларнинг бош мақсадидан келиб чиққан ҳолда зарур тузатишлар киритилди. Бунда асосий эътибор мамлакатимизда амалга оширилаётган оламшумул ислоҳотлар моҳияти, ёшларимизни миллий ва умумбашарий қадриятлар, Ватанга муҳаббат, истиқлолимиз ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш масалаларига қаратилди. Умуман олганда тажриба-синов бутун республикамиз педагогик жамоатчилигининг саъй-ҳаракатлари натижасида муваффақиятли якунланди.

Янги таълим тизимига мувофиқ, ишлаб чиқилган ҳамда тажриба-синов натижалари асосида такомиллаштирилган давлат таълим стандартлари ҳукуматимиз қарори билан тасдиқланди ҳамда 1999-2000 ўқув йилидан бошлаб босқичма-босқич жорий этишга киришилди.

Шу ўринда стандартларни чоп этиш ва жойларга етказиш билан боғлиқ муҳим бир жиҳатга тўхталмай бўлмайди. Гап шундаки, республикамиз ҳукумати мазкур мақсадлар учун 175 миллион сўм ажратди. Давлат таълим стандартлари ва янги ўқув дастурлари «Маърифат — мададкор» нашриётида тайёрланиб, вазирликнинг «Таълим тараққиёти» ахборотномасининг махсус сонлари сифатида қисқа муддатларда 7 та китоб тарзида 350 минг нусхада «Шарқ» нашриёт-матбаа концернида чоп этилди. Мазкур китоблар мамлакатимизнинг ҳамма умумтаълим муассасаларига бепул тарқатилиб, кутубхона фондига киритилди.

Таълим тизимига жорий этилган янгиликлардан яна бири — бу республикамиз ҳамма туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари қошида ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш, педагогик-психологик ташхис марказларининг ташкил этилганлигидир. Уларнинг асосий вазифаси ота-оналар билан ҳамкорликда ўқувчиларнинг ривожланиши, қобилияти, имконияти ҳамда қизиқишларини чуқур таҳлил қилган ҳолда касб-ҳунар коллежларига ва академик лицейларга, олти ёшли болаларни эса жисмоний, ақлий ривожланиши, соғломлигини ҳисобга олиб, мактабларнинг биринчи синфларида ўқиши учун йўлланма беришдан иборатдир.

Таълим соҳасида қабул қилинган ҳукумат қарорларини амалга ошириш, таълим ва тарбия мазмунини такомиллаштириш, ўқувчилар билим сифатини ошириш билан боғлиқ жараёнларни ўрганиш ва таҳлил этиш, аниқланган камчиликларни тезкорлик билан бартараф этиш мақсадида мониторинг тизими жорий этилди. Мазкур тизимга жалб этилган ходимлар жорий этилган давлат таълим стандартлари ва янги ўқув дастурларни ўзлаштириш даражасини таҳлил этиш, мазкур жараён устидан назорат ўрнатишга ҳам алоҳида эътибор билан қараб келмоқда.

Муаллимларимиз, халқ таълими ходимлари таълимдаги ислоҳотлар моҳияти, қўйилаётган талабни чуқур ҳис қилган ҳолда меҳнат қилишмоқда. Президентимизнинг **«Ўз-ўзини эл ишига бағишлаган, инсон тарбиясига жон тиккан олижаноб ўқитувчиларни, мўътабар муаллимларни бундан буён ҳам бошимизга кўтарамиз»** деган сўзлари муаллимларимизга янада куч-қувват бағишламоқда. Муаллимларимиз ҳеч қачон бугунги кундагидай ҳурмат ва эъзозга сазовор бўлмаган эди. Ўтган 1999 йилда бир ўқитувчимизга «Ўзбекистон Қаҳрамони» деган юксак ва шарафли унвон берилди. Тўрт юзга яқин таълим ходимлари давлатимизнинг юксак орден ва медаллари, фахрий унвонлари билан тақдирландилар.

Бозор иқтисодиёти шароитида ўқувчиларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, уларни маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масалалари мамлакатимиз раҳбариятининг доимий диққат-эътиборида. Президентимизнинг Фармонига мувофиқ 1-синф ўқувчиларига 1 миллиард 181 миллион сўмлик ўқув қуроллари, кам таъминланган оилаларнинг бошланғич синфларида ўқийдиган фарзандларига эса 1 миллиард 570 миллион сўмлик иссиқ кийимлар берилди.

Ўтиш босқичининг қийинчиликларига қарамасдан мамлакатимиз раҳбарияти янги таълим муассасалари бунёд этиш ишларига ҳам катта эътибор билан қараб келмоқда. Буни фақат биргина мактаблар қурилиши мисолида ҳам кўриш мумкин. Қўшни давлатларда янги мактаблар қурилиши тўхтатиб қўйилган бир пайтда, мамлакатимизда ҳар йили икки юзга яқин мактаб қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда.

Кўрсатиб ўтилган ва бошқа қатор ишлар Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини вазирлик тизимларида бажариш борасидаги биринчи қадамлардир. Эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш учун биз қандай ишларни режалаштирганмиз?

**Биринчидан,** ислоҳотларни амалга оширишнинг илмий-педагогик таъминотини яратиш энг долзарб масаладир. Айнан шу ўринда педагогик амалиётга нисбатан педагогика фанининг оқсаётганлигини таассуф билан қайд этиш лозим. Биргина мисол. Янги педагогик технологияларни, ўқувчилар билими ва кўникмаларини кўп балли рейтинг тизимини жорий этишнинг илмий-педагогик асосларини барпо этиш фақат тажриба-синовлар ўтказиш билангина чегараланди. Табиийки, бу мутлақо етарли эмас. Шунинг учун, энг аввало, таълимдаги ислоҳотларни илмий-педагогик жиҳатдан таъминотини қайта кўриб чиқишни режалаштирганмиз.

Бунинг учун:

— авторитар педагогикадан воз кечиб, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, меҳрибонлик, инсонпарварлик, ҳур фикрлилик педагогикасини қарор топтириш;

— дидактик нуқтаи назардан ўқитишдан ўқишга ўргатишга, билим беришдан билимни эгаллашга ўргатиш;

— психологик жиҳатдан, шахсни билимга ташналик, чанқоқлиги, интилувчанлигини шакллантириш, билим олишни доимий, ҳаётий эҳтиёжга айлантириш;

— таълим марказида шахс бирламчи эканлигини таъминлаш вазифаси турибди.

**Иккинчидан,** ўқитувчи, тарбиячи ва таълим муассасаларининг раҳбарлари янгиланган таълим мазмунини пухта ўзлаштиришлари, унинг мақсад ва вазифаларини, ўқувчиларга, ота-оналарга етказиш йўл-йўриқларини билиб олиши талаб этилади. Бунинг учун семинарлар, давра суҳбатлари, стандартлар ва дастурлар муаллифлари билан учрашувлар режалаштирилган.

**Учинчидан**, барча малака ошириш институтлари, университетлар, педагогика институтлари, педагогика билим юртларининг юқори курсларида тингловчи ва талабалар томонидан янги дастур, таълим стандартлари талабларини ўзлаштириб олишлари учун уларни ўқув режасига киритиш зарур. Биз шундай таклифни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига киритдик. Ўйлаймизки, бизнинг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларимиз, албатта, ўзининг ижобий натижаларини беради.

**Тўртинчидан,** янгиланган таълим мазмунини юксалтиришда янги педагогик технологиялар, педагогик инновациялар, янгича шакл ва услубдаги иш шаклларига таяниш зарур. Бунинг учун Республика таълим марказида, педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида, вилоятлар малака ошириш институтларида педагогик технологиялар марказлар очишни режалаштирдик. Бу марказларда ўқув жараённи ташкил этиш янги моделларини яратиш, интернет орқали чет эл педагогик технологияларни мужассамлаштирган ҳолда, шу соҳа бўйича яхши назарий методик тайёргарликка эга бўлган ўқитувчилардан тренерлар тайёрлаб, уларни тегишли қўлланмалар, ахборотлар билан таъминлаш кўзда тутилган.

**Бешинчидан,** давлат таълим стандартлари ва янги ўқув дастурлари талабларини ўзида ёрқин акс эттирган дарсликларнинг янги авлодини яратиш ҳам асосий вазифалардан биридир. Бу соҳада 2000 ва кейинги йиллар давомида Осиё ривожланиш Банки, Британия кенгаши ва бошқа қатор нуфузли чет эл сармоядорлари ва ташкилотлари билан ҳамкорликда бир қанча лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш мўлжалланган.

**Олтинчидан,** республикамизда мактаб индустриясини барпо қилиш бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан биридир. Мамлакатимизнинг ўзида катта дидактик имкониятларга эга бўлган ўйинчоқлар фабрикасини, ўқув жиҳозларини, кўргазмали қуроллар ва техник воситаларини ишлаб чиқарадиган корхоналар, ўқув хариталари, глобуслар, кимё, физика фанлари учун амалий машғулотлар ўтказиш бўйича асбоб-ускуналар, ўлчов асбоблари, реактивлар ишлаб чиқарадиган саноат турларини яратиш имконияти бор. Мазкур йўналишдаги ишларимизни манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда жадаллаштириш чора-тадбирларини ҳам кўраяпмиз.

Хулоса қилиб айтганда, Соғлом авлод йили, деб эълон қилинган 2000 йилда мамлакатимиз маорифчилари олдиларида ўта муҳим вазифалар турганлигини яхши англайдилар.

**Жўра ЙЎЛДОШЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири.**

## Адиб хотирасига бағишланди

XX аср ўзбек адабиётининг таниқли намояндаси Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудига 95 йил тўлди. Шу муносабат билан пойтахтимиздаги Ойбек уй-музейида улуғ адибнинг дўстлари, шогирдлари, фарзандлари, ёзувчи ва шоирлар тўпланди.

Истеъдодли шоир, таниқли олим, жаҳон адабиётининг тарғиботчиси ва жамоат арбоби, ёш авлоднинг ғамхўри ва мураббийси, улуғ аллома Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек ўзбек адабиёти равнақига ўзининг “Қутлуғ қон”, “Қуёш қораймас”, “Навоий”, “Улуғ йўл” каби ўлмас асарлари билан улкан ҳисса қўшган хассос сўз санъаткоридир. У умр бўйи халқ ҳаёти билан ҳамнафас яшаб, ижодий маҳоратини эл-юрт манфаати йўлида сарфлади. Унинг асарлари ўзбек халқи қалбидан муносиб ўрин эгаллаган.

Тадбирда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н.Жўраев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов академик Ойбек домлани ёдга олар экан, унинг бадиий баркамол, мазмундор, жўшқин шеърлари, халқимизнинг ўтмиши, кундалик ҳаётини акс эттирувчи қисса ва романлари минг-минглаб китобхонларни поклик, гўзаллик, муҳаббат, садоқат, дўстлик каби эзгу фазилатларга доимо ошно этаверишини қайд этди.

**Л. СУВОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# КАФОЛАТИ БЎЛГАН НОМЗОДГА ОВОЗ БЕРДИК!



**Республикамизнинг барча ҳудудларида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови сайловчиларнинг юксак сиёсий фаоллиги асосида ўтди. Қуйида жойлардан тайёрланган ана шу ҳақдаги хабарлар билан танишасиз.**

## ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Шу куни эрта тонгда уйғонган пойтахт аҳолиси ажиб бир фусункор манзаранинг гувоҳи бўлди: ҳовлию кўчалар, дов-дарахтлар оппоқ қордан либос кийиб, ясаниб олган эди. Одамлар буни яхшилик аломати, Яратганнинг махфирати, деб билишди. Айни шу ҳол ҳамманинг руҳини янада тиниқлаштириб, қадриятини тағинда кўтариб юборди-ю, улар тезроқ фуқаролик бурчини адо этиш мақсадида ўзлари яшаётган ҳудудлардаги сайлов участкалари томон ошиқдилар.

Бундай дейишимизга сабаб, тошкентликларнинг руҳию кайфияти баланд эди. Чунки мустақиллик йилларида пойтахт қиёфаси ақлни лол қолдирадиган даражада ўзгариб кетди. Бу ўзгаришлардан, айниқса, Юнусобод тумани аҳлининг боши осмонга етгудек. Ўзингиз ўйлаб кўринг: ту-



манда ғоят қисқа муддат ичида янги-янги турар жойлар, гузарлар, меҳмонхоналар, савдо мажмуалари қурилди, боғлар, хиёбонлар, йўллар, кўприклар барпо этилдики, мазкур иншоотлар шўро тузуми даврида ҳатто тушимизга ҳам кирмаган эди. Буларнинг бариси, албатта, Йўлбошчимизнинг ташаббуси, тинимсиз саъй-ҳаракатларининг натижасидир.

Биз соат 11.00 да "Юнусобод" мавзесидаги 136-болалар боғча-гимназияси биносига жойлашган 596-сайлов участкасида бўлганимизда, сайлов комиссияси раиси Шавкат Саламуллаев ҳозирга қадар 2883 сайловчининг 62 фоизи овоз берганлигини маълум қилди. Бу ана шу кишилардаги кўтаринки руҳнинг ифодаси эди.

— Маҳалламиздаги ҳар бир киши ўзининг ихтимоий жиҳатдан муҳофаза қилинаётганини сезиб турибди, — дейди "Юнусобод" маҳалласи оқсоқоли Қўшмурод Бекназаров. — 533 нафар қаровчиси йўқ, ногирон одамларга моддий ёрдам кўрсатилаётгани, 16 ёшгача фарзандлари бўлган 1610 оила эса давлат томонидан нафақа олаётгани бунинг далилидир. Қолаверса, бугун — тарихий кун. Сайловчилар нафақат ўзларининг, балки Ватанимизнинг келажаги, фарзандларининг бахт-саодати учун овоз берадилар. Шу боис улар зиммаларидаги масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда сайлов участкасига келишаяпти.

## АНДИЖОН

Избоскан туманидаги Шерматобод қишлоғи 9 январ куни байрамона тус олди. Биз сайлов участкасида бўлганимизда, сайловчиларнинг баъзилари билан суҳбатлашдик. Қишлоқ одамлари тўғрисўз, дангал, бироз чапанироқ бўлади. Гапни айлантирмай, юрагида борини ўртага ташлайди-қўяди.

— Қиш бошланди дегунча юрагимиз безилларди, — дейди узоқ йиллар пахтачилик бригадаси бошлиғи, агроном бўлиб ишлаган Тоштонбой Исоқов. — Мана, қишлоғимиз газлашди. Ўзимизнинг газимиз. Беминнат. Бу аввало, давлатимиз ўтказиб келаётган доно сиёсат, қолаверса мустақиллик шарофати эмасми?

— Мен Хўжаободдаги Ўзбекистон-Хитой тикув-трикотаж қўшма корхонасининг бичув цехи бригадириман, — ўзини таништиради Манзура Олимова. — Мустақиллик бизга кенг имкониятлар берди. Қишлоқларда ўнлаб саноат корхоналари очилди. Уйда ўтириб қолган минглаб хотин-қизлар иш билан таъминланди. Биз, ёшлар И. Каримовга ишонамиз ва унга суянамиз. Шу туфайли сайлов кунида халқимизни тўғри йўлдан дадил бошлаб бораётган буюк инсон учун ҳамжиҳат бўлиб овоз бердик.

## БУХОРО

Мартия РАҲМАТОВА, «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамияти йигирувчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони:

— Уч нафар фарзандим бор. Сайлов бюллетенларини қутига ташлаётганимда, энг аввало, уларнинг тақдири, бахти ва камоли ҳақида ўйладим. Чунки онаманда. Оналарнинг муддаоси эса битта: юрт тинч ва обод бўлсин, дастурхондан ризқ-насиба узилмасин. Худога шукур, бу жиҳатдан кўнглимиз тўқ. Меҳнат қилган киши кам бўлмаяпти. Жамиятда ҳар кимнинг ўз ўрни, ўз овози бор. Айтиш мумкинки, навбатдаги сайлов халқимизни фаровон ҳаёт, ёрқин келажак йўлида янада маҳкамроқ жипслаштирди.

Ҳақ гап. 3-Бухоро округ сайлов комиссиясидан маълум қилишларича, рўйхатга олинган 748 мингдан зиёд сайловчининг аксарияти кундуз соат 14.00га қолмай овоз бериб бўлишди. Зотан, бу фуқаролик бурчигина эмас, айни замонда эртанги кун олдидаги юксак масъулият, сиёсий етуклик мезони ҳамдир.

## ЖИЗЗАХ

Муборак Рамазон ҳайити шодиёналарига уланиб кетган мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий тадбир — Президент сайлови республикамизнинг барча жойларида бўлгани каби Жиззах вилоятида ҳам кўтаринки руҳда ўтди.

— Барча юртдошларим қатори халқпарвар, элпарвар одамни сайлагани келдим, — дейди Ёқуб бобо Сиддиқов бизга юзланиб.— Эҳ, болам, қандай сайловларни кўрмади бу бош дейсан. Мана буни чиз, мана буни қолдир, дейишарди, шундай қилардик. Ҳозир-чи? Кўнгилга тугиб қўйган номзод учун овоз бердим. Ҳеч ким, ҳеч нарса дегани йўқ.

Бахмаллик Шафоат Нурмонов қирғиз миллатига мансуб сайловчи. У ўтган йили бир гуруҳ миллатдошлари қатори Ислом Каримовга мактуб йўллаб, халқим деб, элим деб ёнадиган фидойи инсон учун овоз беражакликларини баён этишган эди. Отахон ва унинг шериклари сўзининг устидан чиқишди. Эрта тонгда биринчилардан бўлиб юртнинг эртанги тараққиёти, фаровон турмуши кафиллигини бўйнига ола биладиган муносиб номзод учун овоз беришди.

## НАВОИЙ

— Фёдор Фёдорович Пеестринин бўламан, — деб ўзини таништирди отахон. — Ёнимда кампирим Зинаида билан билмадим умримиз давомида қанча сайловларда қатнашдик. Лекин бу галгиси бошқача бўлди. Яқинда Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга, бугун эса озод Ўзбекистоннинг ҳақиқий Йўлбошчиси учун овоз бердик. 80 дан ошаётган ёшимда, биз Ўзбекистон фарзанди эканлигимизни яна бир бор чин юракдан ҳис қилдик.

Сайлов участкасида рўйхатга олинган 3100 нафар сайловчининг ярмига яқинини рус тилида сўзлашувчи ватандошларимиз ташкил этаркан. Эру хотин Денис Владимирович ва Валентина Яковлевна Савельевлар, украин Олеся Онесенко, яҳудий Владимир Симонов, армани Ирина Арапетян, олтой Эмма Хачану, ёш сайловчи ўзбек қизи Санобар Ҳамдовалар турли тилларда гапирсаларда, юракда битта ният — Ўзбекистон деб аталмиш мустақил мамлакат тақдирига шерик эканликларини изҳор этдилар.

23-сайлов участкасида эндигина овоз бериб бўлган асли кавказлик йигитни гапга солдик.

— Менинг ота-боболарим Шимолий Кавказда умргузаронлик қилишган. Исми-шарифим Шомил Анфис ўғли Валиев, аварман. Ота-боболар юрти нотинчлиги юрагимни эзади, Ўзбекистонда туғилганлигим ва шу мамлакат фуқароси эканлигимга шукроналар айтаман. Мен тўғрироғи, ана шу тинчлик ва осудаликни таъмин этган ва келажакда унга гард юқтирмасликка қодир номзод учун овоз бердим.

## НАМАНГАН

— Ўзбекистон салоҳиятини кенг намойиш этаётган қудратли давлатга айланиб бораётганлигини бутун жаҳон кўриб турибди,— дейди Наманган шаҳридаги «Шамс» савдо-саноат гуруҳи раҳбари Зайниддин Шамсиддинов. — Унинг имконият қирралари кун сайин юз очаётганини тадбиркорлик ҳаракатининг тараққиётида ҳам кўриш мумкин. Ишбилармонликка кенг йўл берилганидан фойдаланиб, бундан саккиз йил аввал «Шамс ЛТД» фирмасини очган эдик. У кенгайиб, бугун йирик савдо-саноат гуруҳига айланди. 268 киши меҳнат қилаётган жамоамиз кучи билан хўжалик гугурти, болалар ўйинчоқлари, консерва маҳсулотлари, қурилиш ашёлари ишлаб чиқариляпти. Ўтган йилнинг ўзида 200 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилдик.

Сайлов участкаларида фуқаролик бурчини бажариб қайтаётган кишиларнинг қай бири билан суҳбатлашмайлик, Юртбошимизнинг олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатидан мамнун эканликларини билдиришарди.

## САМАРҚАНД

— Мустақиллик йилларида, — дейди Мавлуда Истамова, — Самарқандимизда бир-биридан муҳташам бинолар, кенг ва равон кўчалар қад ростлади. Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, барча-барча соҳалардаги ютуқлардан қувонади киши. Буларнинг ҳаммаси юртимизга одилона раҳбарликнинг натижасидир. Шуларни ўйларканман, ажойиб юртим, доно Юртбошим борлигидан фахрланаман. Оиламизда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлганлар етти киши. Ҳаммамиз Ислом Каримов учун овоз бердик. Чунки, Ўзбекистон келажагини у кишисиз тасаввур этолмаймиз.



## СИРДАРЁ

Кейинги икки йилда қўриқ вилоят маркази — Гулистон шаҳрининг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди.

Кенг ва равон кўчалар, сайилгоҳлар, спорт иншоотлари, турар-жойлар, янгидан қурилиб иш бошлаган қўшма ва кичик корхоналар шаҳар кўркига кўрк бағишлаб, чўлқуварлар ғуруриni тоғдек кўтариб турибди. Айниқса, Ўзбекистон мустақиллигининг 8 йиллиги арафасида янги уйларга кўчиб ўтган оилалар қувончи чексиз. Шу боис ҳам 9 январ — Ўзбекистон Президенти сайловини шаҳарликлар алоҳида бир ички ҳаяжон билан кутиб олдилар.

— Аслида сирдарёликлар сайловларда ҳамиша фаол иштирок этиб келадилар, — дейди ўз фуқаролик бурчини биринчилардан бўлиб адо этган журналист Примқул Дўстмаматов. — Бунинг сабаблари талайгина. Лекин энг биринчиси — собиқ тузум даврида Сирдарё тарихи мамлакатимиз тарихидан узиб олиниб, совет даврининг ҳосиласи сифатида талқин этилиши эди. Албатта, бундай талқин тарихи олис мозийга бориб тақалувчи ҳамюртларимиз ҳамиятига тегиши табиий эди.

Шу боисдан тарихи, қадриятлари асл ҳолига қайтарилгани ва бу улуғ ишлар истиқлолимиз асосчиси Ислом Каримов номи билан бевосита боғлиқ эканлигидан миннатдор сирдарёликлар дастлабки Президент сайловида ҳам ниҳоятда фаол қатнашгандилар, бугунгисида ҳам алоҳида бир эҳтиром билан иштирок этдилар .

Шак-шубҳасиз, гулистонликлар, жумладан, вилоятимизнинг барча фуқаролари бугунимиз ва келажагимиз ижодкорига овоз бердилар.

## СУРХОНДАРЁ

9-Сурхондарё сайлов округининг барча участкаларида сайловчилар фаоллиги кўзга ташланиб турди.

— Кўриб турибманки, айниқса термизликларнинг бу сайловга муносабатлари, мушоҳадалари бошқача, — дейди Термиз шаҳар маънавият ва маърифат кенгаши масъул котиби Нарзулла Орипов. — Бундан саккиз-тўққиз йил аввал, тўғрисини айтсам, шаҳримизда ўтириб мириқиброқ дам оладиган чойхона йўқ эди-да.

Мустақиллик шарофати билан Алпомишдек паҳлавон, навқирон, Ойбарчиндек юзларидан нур ёғилган шаҳарга айланди. Алпомиш боғи, қатор-қатор соғломлаштириш ва спорт мажмуи, ўқув-тарбия муассасалари қурилди. Бугунги кунга келиб шаҳримизда ўсган ҳар туп дарахт, ободонлаштиришга қаратилган ҳар бир юмуш, тарихий-миллий қадриятларимизни тиклаш ва ёшларимиз келажагига тегишли бўлмиш ҳар бир тадбир кўнгилларга Ватан ҳақида бир қўшиқ, ғазал бўлиб қуйилади.

Бунинг устига Вазирлар Маҳкамасининг Термиз шаҳрининг 2500 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги қарорини айтинг. 2500 йил ичида не-не салтанатлар, не-не босқинлар, не-не замонлар ўтмаган. Лекин эзгуликни йўқотиб ё енгиб бўлмас эканки, шаҳар уфқида яна шафақлар ёнди. Офтоб порлади. Юртимиз нурафшон тортди.

Одамларимизнинг бугунги кайфияти мен айтган ўша нурафшонликнинг барҳаётлигига мустаҳкам ишончларидандир.

— 12 ёшли Эркин деган неварам сайлов куни ҳаммамиздан эрта уйғонибди,— дейди Қумқўрғондаги Жалойир маҳалла фуқаролар йиғини раиси Иброҳим Жўраев. — Ҳа, деб сўрасам, мен ҳам сайловга бораман, Президентимизни сайлайман, дейди. Кулиб юборганим баробари кўзларимга ёш қуйилди.

— Менинг шимолга бир кўчиб кетиб яна киндик қоним тўкилган жойга қайтиб келганимни ҳеч ким юзимга солмади, — дейди жарқўрғонлик Ф. Андреев деган одам. — Ўзбекистон ана шундай оқибатли, кечиримли, бағри кенг юрт экан. Ўзбекистон — менинг онам, ундан бир умрлик қарздорман. Менинг бугунги овозим шу юртга жоним борича садоқатли бўлишга аҳду паймонимдир.

## ТОШКЕНТ

Мамлакатимизнинг йирик саноат шаҳарларидан бири ҳисобланмиш Чирчиқ аҳолиси эрта тонгдан байрамона кайфиятда фуқаролик бурчларини адо этиш учун сайлов участкаларига йўл олдилар. Шаҳар марказидаги 286-сайлов участкасига дастлабки сайловчилар кела бошлаганида соат 6 дан 10 дақиқа ўтганди.

Биринчи бўлиб овоз берганлардан бири — «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси Маъди Носировни суҳбатга тортдик.

— Ўғилларим Раҳимжон, Ғафуржон, Каримжон, қизим Санобар биргаликда халқимиз Йўлбошчиси Ислом Каримов номзодини қўллаб овоз бердик. Негаки, Ислом Абдуғаниевични оиламиз билан яқиндан танիганимиз, билганимизга 10 йилдан ошди. Ана шу давр ичида мустақил Ўзбекистон давлати ҳам, унинг биринчи Президенти ҳам, колаверса, ўзбек халқи ҳам катта синов даврини босиб ўтди. Энг қувончли дамларимизда ҳам, юртимиз осмонида қора булутлар пайдо бўлган кезларда ҳам ҳамиша халқ билан бирга бўлган Ислом Каримов бизни энг тўғри йўлдан бошлаб бораяптилар. Шу боисдан ҳам овоз беришда сира иккинланганимиз йўқ.

Суҳбатимизни тинглаб турган сайловчилар Ҳамида Камолова, Ольга Кристенко ҳам Маъди ака фикрларини қўллаб-қувватлаб, «биз ҳам ўз келажагимиз, яъни Ўзбекистон келажаги учун энг муносиб номзодга овоз бердик», дея фахрланиб гапирдилар.

## ФАРҒОНА

Қўқоннинг «Авғонбоғ» маҳалласида яшовчи Рисқинисо момо Эрмуҳаммедова — уч юз йилликнинг юзини кўрган пири бадавлат онахонлардан бири. У 106 ёшга қадам қўйди. Фарзандлари «Қути олиб келамиз» деганига қарамай, ҳассасини дўққиллатиб, 89-сайлов участкасига биринчилардан бўлиб кириб келди.

— Ахир мен «Асл фарзандимиз Ислом Каримов учун овоз бераман» деб тунни бедорликда, тоат-ибодатда ўтказдим-у, уйда биқиниб ётаманми? Ҳамма кўрсин Қўқоннинг энг ёши улуғ, бадавлат онахони кимга овоз бераётганини! — деди ая сайлов қутисига бюллетенни ташларкан.

Ҳўқанди Латифнинг яна бир оқила қизи Ҳилолахон Ғофурованинг эса қувончи ичига сиғмайди:

— Бугун менинг ҳаётимда энг қувончли, энг бахтли кун. Чунки 18 ёшга тўлдим. Айнан эзгу орзуларим чаман очган лаҳзаларда биз, ёшларнинг энг суюкли ғамхўри, азиз отахони бўлган Ислом Каримов учун овоз бериш бахтига муяссар бўлдим. Бундай шараф ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Энди мен бутун умрим давомида фарзандларимга авлод-аждодларимга «18 ёшга тўлганимда Истиқлолимиз меъморига, бахтли келажагимиз асосчисига овоз берганман», деб мақтаниб юраман.

## ХОРАЗМ

— Мен халқимизнинг, юртимизнинг, ҳар биримизнинг бахт-саодатимиз, фарзандларимиз, набираларимиз камолу иқболи учун овоз бердим, — дейди А. Қурбондурдиев. — Бунинг учун Президентимиз — Юртбошимиз мудом халқимизнинг раҳнамоси бўлиб туришини истадим. Бу биргина менинг эмас, балки барча юртдошларимнинг ҳам истагидир. Бошқача бўлиши мумкин эмас.

— Дарҳақиқат, ҳаммадан бурун овоз беришга келганлигимиз сабаби ҳам шунда, — дея унинг сўзини давом эттирди М. Шоҳимардонова. — Президентимиз дунё тургунча турсин. Саккиз йилдаки шунча ўзгаришлар юз берган экан, яна беш-ўн йил ичида мамлакатимиз таниб бўлмас даражада ўзгаришига, қудрати зиёда бўлаверишига ишонамиз.

## ҚАШҚАДАРЁ

Қашқадарёлик сайловчилар билан учрашувда Ислом Каримов Чироқчини Париждай машҳур деди. Бу бежиз эмас. Чироқчини машҳур қилганлар — унинг одамлари. Масалан, Алиқулов Рамазон бовани олайлик. Ёши 80 ни қоралаган. Аммо ўзини эндигина саккизга кирган деб ҳисоблайди.

Рамазон бова элнинг виждонига айланган одамлардан бири. Шўро даврида тили аччиқ бўлганлиги учун кўп тазйиқ, таъқибларга учраган. Ҳозир ҳам фақат тўғриликни дейди. Шу сабабли эл унинг оғзига қараб туради. Шу одамнинг айтишича, эл ўзининг тақдирини ҳеч иккиланмай Ислом Каримовга топширди, овоз берди. Бу шунчаки сайлов эмас, балки тарихий воқеадир.

Нишонлик фермер Зиёдулла Фармонов ҳам айнан шу фикрни айтди.

— Ёшлар энди ҳамма нарсани тушунди,—дейди у. — Уларнинг орасида менга ўхшаш мулкдорлар озми? Назаримда эл Ислом Каримовни севадигина эмас, уни ёт назарлардан қизғанади ҳам. Ахир тақдиримиз шу одамга боғлиқ бўлиб турибди-я. Шундай бўлгач, сайлов шунчаки фуқаролик бурчини ўташ бўлмади. Бу Юртбошимизга ҳурмат-иззатни изҳор қилиш учун бир баҳона бўлди.



## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

9 январ куни эрта тонгдан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Қорақалпоғистон сайлов округига қарашли 527 та сайлов участкасининг ҳаммасида фуқароларимизнинг конституцион ҳуқуқларини амалга ошириш жараёни уюшқоқлик билан бошланди.

Байрам кайфиятини шаҳардаги «Қизкеткан» фуқаролар йиғини ҳудудидаги 26-сайлов участкасида ҳам яққол ҳис қилдик. «Жеткинше» мактаби биносида жойлашган бу участкага ташриф буюрганлардан бир қанчасининг кўксида мустақил мамлакатимиз нишонларини кўриш мумкин.

— Мен мустақиллигимиз, ҳуқуқий-демократик жамиятимиз, юксак маънавиятимиз асосчиси, Ўзбекистонни жаҳонга, жаҳонни Ўзбекистонга таниттан ажойиб инсон, муносиб номзод учун овоз бердим, — дейди кўкрагида саккиз бурчакли «Олтин Юлдуз» медали ярқираб турган сайловчи, Ўзбекистон Қаҳрамони Онесия Саитова. — Унинг раҳнамолигида Оролбўйида замонавий тиббиёт масканлари кўпаймоқда. 41 та қишлоқ врачлик пункти иш бошлади. Нукусдаги 200 ўринли оналар ва болалар шифохонаси Аёллар йилининг ҳақиқий совғаси бўлди.

— Менинг қайси номзодга овоз беришим 1990 йилнинг 10 август куни маълум бўлган эди, — дейди Беруний туманлараро насос станциялари, алоқа ва энергетика бошқармаси бошлиғи Олимбой Примов. — Ўша куни Юртбошимизнинг марҳамати, мардлиги туфайли Гдлян гуруҳининг 3 йилу 8 ой, 16 кунлик исканжасидан қутилган эдим!

Бутун республикамизда Президент сайлови ана шундай уюшқоқлик билан, ҳамжиҳатлик вазиятда ўтди. Ҳар бир сайловчи ўзи танлаган номзод — халқпарвар, юртпарвар, фидойи инсон учун овоз берди.

**Вилоят мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

---

### Мурувват ўн кунлиги

# САХОВАТНИНГ ЎЛЧОВИ БЎЛМАЙДИ

Хизмат сафари сабаб Ромитанда юрган кунларимда кичик бир ҳодисанинг гувоҳи бўлган эдим. Бу ҳақда ўшанда ён дафтарчамга қуйидагиларни битиб қўйган эканман: «Эрталаб. Бозор. Кенг йўл. Қора «Volvo». Ундан бир аёл тушди, кўзларида ёш. Ўнг қўлида икки ёшлар чамасидаги ўғил бола. Чап қўлида 20 килоча келадиган чакки халта. Болани кўтариб турган ўнг қўлида яна бир пачка 50 сўмлик пул ҳам бор. Машинанинг давлат рақами — 20 А24...»

Ўша воқеага ҳам роппа-роса бир йил тўлибди. Яқинда яна шу томонларга йўлим тушганда, ногаҳон мени, аввало, бир инсон сифатида ҳайрон қолдирган, журналист сифатида эса ўйлатиб, қалбимни тўлқинлантириб юборган ана шу кичик, аммо моҳияти жиҳатидан жуда муҳим ҳодисани эсладим. Бир аёлни «йиғлатиб қўйган» ўша йигит билан юзма-юз бўлгим, унинг кўзларига қарагим келди...

Бу хусусда гапиришдан аввал муштарийларни ўша воқеа тафсилоти билан таништириб ўтсам, мақбул бўлса керак. Эрталаб соат 9 ларда меҳмонхонадан чиқиб, йўлга тушдим. Бозор майдонига етиб келгач, бир неча машинани ўтказиб юбориб, катта йўлнинг нариги бетига ўтган эдим ҳамки, шундоққина ёнимга бир машина келиб тўхтади. Шу сонияда орқа ўриндиқдан одми кийинган 30-35 ёшлардаги аёл тушди. Қўлларида... У халтасини йўл четидаги барра ажриқ устига қўйди-да, рўмолининг учи билан кўз ёшларини артди...

Тўғриси, аёлга раҳмим келди. Уни хафа қилган «олифта»ни койиб қўйиш ниятида машина томон қадам қўйдим. Бироқ бу орада у анча олислаб кетган эди. Фақат давлат рақамининг биринчи ярмини аранг илғаб қолдим: 20А24...

— Ҳа, опа, тинчликми? Сизни хафа қилган ким эди?

Аёл эса ҳали қуримаган кўз ёшлари билан менга қаради, уялинқираб кулди:

— Хафа қилганлари йўқ... Илоё, ердан тупроқ олса, олтин бўлсин.

Маълум бўлишича, у бир халта чаккини бозорда сотиш мақсадида ўғилчаси билан қишлоқ йўлига чиққан экан. Ҳадеганда автобус келавермабди. Қараса, вақт ўтаяпти, тезроқ чаккини пуллаб, шаҳардаги касалхонада ётган боласига дори-дармон олиб бориши керак. Ниҳоят, сабри чидамай, бирорта инсофли ҳайдовчи чиқиб қолар, деган илинжда «такси»га қўл кўтарибди. «Москвич» эгаси 500 сўм бўлади, — дебди.

Аёлни суст босибди, каловланибди. Негаки, тишининг кавагида сақлагани — 100 сўмга манзилга етарман, деб ўйлаган экан...

Шу пайтда, худди осмондан тушгандек, унинг олдида ярақлаб турган алламбало машина келиб тўхтабди. Бундай машинага қўл кўтаришга аёл журъат эта олармиди?

— Ўтиринг, опа, — дебди ҳайдовчи хиёл кулимсираб, — бозоргами, дейман...

Аёл хаёллабди. «Қанча сўраркин? Ахир бир «Москвич»... Буниси мингни талаб қилса-я!.. »

— Ўтиринг, ўтиринг, опа, қисинманг, ўзи йўлим шу томонга...

Аёл ноилож ўтирибди. Аммо хижолат ўлгур уни тинч қўймасди...

— Э-э, укажон, бу тирикчилик қурсин. Каттам касалхонада. Шу дўхтирларга ҳам инсоф битармикин-а? Ҳали у дорини, ҳали бу дорини айтади... Кошкийди, отаси тирик бўлса...

Бозор майдонига етиб келгач, аёл қўлидаги ғижимланган 100 сўмликни узатса, шофёр олмабди. Аксинча, мулойим оҳангда шундай дебди:

— Опа, манавини олиб қўйинг. Бу мендан... Кам бўлса, кўп ўрнида кўрарсиз... Агар полвон катта бўлса, ўзим ўқитаман...

Аёл шуларни айтиб, йигитни қайта-қайта дуо қилди. Сўнгра томоғига алланарса тиқилгандек, бироз жим қолди-да, ўксиб-ўксиб йиғлаб юборди. «Бор эканку, яхши одамлар!»

Опанинг бу сўзларини базўр эшитдим. Эшитдим-у, саховатли кишини «олифта»га йўйганимдан ўсал бўлдим.

...Давлат автомобиль инспекциясидаги дўстларим бу одамни топишимда ёрдам беришди.

— Каттаев Аҳмаджон Азизович, 1967 йилда Ромитан туманидаги «Аламдор» қишлоғида туғилган, «Оромитон-97» фирмасининг раҳбари, — дейишди улар.

Бир пиёла чой устида Аҳмаджонга ўша воқеани эслатганимда, у бирданига хотирасига келтира олмади. Кейин:

— Ҳа-а, қўшни қишлоқлик опани айтяпсизми? — деди у самимий.

Йигитнинг таржимаи ҳоли билан қизиқдим. Мактаб. Армия. Институт... Бу ёғи тадбиркорлик.

Дастлаб улар Россиядан «Нива» русумли 15 та дастгоҳ келтириб, тикув-цехини ишга туширибди. Ҳозир дастгоҳлар сони 25 та. Цехда 40 нафар хотин-қиз ишламоқда.

Шу билан бирга, 65 гектар ерни ижарага олишган. Ўтган йили 70 тонна буғдой, 100 тоннадан ошиқроқ пахта етиштирилди. 30-40 бош қорамол учун етарли озуқа жамғарилди. Даромад ҳам шунга яраша.

Бироқ, Аҳмаджон Каттаев ўзи раҳбарлик қилаётган фирма томонидан одамларга, мактабга кўрсатилаётган меҳр-мурувват ишлари ҳақида оғиз очмади. У ўқиган қишлоқ мактаби директори Муроджон Ҳамроев эса шундай деди:

— Аҳмаджон укамиз қилган ва қилаётган савоб ишлар беҳисоб. Қишлоғимиз ва туманимиздан турли шаҳарлардаги олий ўқув юртларида шартнома билан ўқиётган 12 нафар йигит-қизларимиз унинг ҳиммати туфайли тўловлардан озод бўлиб, эмин-эркин билим олишаяпти. Мактабимиз биносини ҳам ҳар йили таъмирлаб бераётир. Миллий байрамларимизни-ку унинг иштирокисиз тасаввур эта олмаймиз.

Мурувват ўн кунлигида эса нафақат ўқувчиларимизга, балки ўқитувчилар, ночор ва ёлғиз оилалар, қарияларга ҳам совға-саломлар улашиб чиқди. Отасига раҳмат! Барака топсин!

Саховатнинг ўлчови бўлмайди. Ҳамма гап инсонга меҳрда, оқибатда, унга бўлган соғинчда. Бундай хислатли кишилар доимо бор бўлсин!

**Маҳмуд БЎРОНОВ,**
**журналист.**

---



# “БЎРИЛАР ТЎДАСИ”

Мамлакатимиз Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйида халқаро журналист Олег Ёқубов қаламига мансуб “Бўрилар тўдаси” китобининг тақдимот маросими бўлди.

Асар ўтган йили 16 феврал куни Тошкентда юз берган мудҳиш воқеаларга бағишланган. Муаллиф террорчилик ва унинг оқибатлари ҳақида мулоҳаза юритади. Китобда Ўзбекистонда амалга оширилган қўпорувчиликнинг илдизларини очиб беришга ҳаракат қилинган.

— Мен Ўзбекистонда туғилиб, вояга етганман. Шу ерда билим олдим, шу ерда ҳаёт мактабини ўтадим, — деди О.Ёқубов маросимда. — Шу боис, ҳозир Исроилда яшаётган бўлсам-да, бу юртда кечаётган воқеаларга алоҳида қизиқиш билан қарайман. Бошқача айтганда, шу юртдошларимнинг қувончига шерик, ташвишида ҳамдард бўлгим келади. Дунёга тинчлик бермаётган террорчилик Ўзбекистонга ҳам қўланка солганидан қаттиқ ташвишга тушдим. Чунки, террорнинг нима эканини яхши биламан. Исроилда у ҳозир энг катта муаммолардан бири ҳисобланади. Ўтган йили Тошкентда юз берган қўпорувчилик ҳаракатидан қаттиқ таъсирландим. Шунда террорнинг асл моҳияти, террорчиларнинг асл башарасини очиб берувчи бир мақола ёзиш фикри туғилди. Аммо буни биргина таҳлилий мақола орқали тўлалигича ифодалаш қийин экан. Шу боис Ўзбекистон ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари билан маслаҳатлашиб, алоҳида асар ёзишга қарор қилдим. Сиёсий детектив жанридаги “Бўрилар тўдаси” китоби шу тарзда юзага келди. Террорчиликни, хусусан, 16 феврал воқеаларини кенгроқ, батафсилроқ кўрсатиб бериш учун тинмай материал йиғдим, тегишли халқаро ташкилотлар, шахслар билан учрашдим. Аммо Ўзбекистондаги ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг кўмагини алоҳида таъкидлашим керак. Улар берган маълумотлар, турли далиллар билангина феврал воқеаларини имкон қадар ҳаққоний акс эттира олдим, деб ўйлайман.

Тақдимотда қатнашган прокуратура ходимларининг айтишича, 16 феврал куни содир этилган жиноятга алоқадор 128 шахс ҳибсга олинган. Суд ҳукми билан уларнинг олтитаси олий жазога тортилди. Яна 111 шахс устидан қидирув эълон қилинган. Ҳозиргача улардан уч нафари қўлга олинган.

Мазкур террорчилик ҳаракати бўйича очилган жиноий иш қисқа муддат ичида ёпилди. Бироқ, террорчилик солаётган хавф ҳали йўқолгани йўқ. Чунки дин ниқобини кийган мутаассиблар ҳали ўзларининг ёвуз ниятларидан қайтганича йўқ. Шу боис юрт тинчлиги ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш учун барча чора-тадбирлар кўрилмоқда.

**(ЎзА).**

# ШИРИН СЎЗ ҚАДРИ

**Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги «3-Қорасув» даҳасида жойлашган «Масловиддин ўғли Наримон» хусусий стоматология шифохонаси хизматидан кўпчилик миннатдор. Бу ерда меҳнат қилаётган шифокорлар ширинсуханликлари, катта тажрибага эга эканликлари ва ўз касбларига фидойиликлари билан алоҳида ажралиб туришади.**

*Миннатдорчилик*

Шифохона масканида беморларнинг тишини оғриқсиз даволаш учун барча шароитлар етарли. Хусусан, Германия, Чехословакия, Югославия, Болгария каби хорижий мамлакатлардан энг замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари келтирилиб, ўрнатилган. Наркоз, рентген, физиотерапия, гидротерапия бўлимларида ана шундай қулайликлардан баҳраманд бўлиш мумкин. Бу ерда металл-керамикадан қўйиладиган тишлар қулай ва мустаҳкам бўлиб, одамларга узоқ йиллар хизмат қилади. Юқори тажрибали шифокорлар, профессорлар ва тиббиёт фанлари номзодлари одамларга тишларини асраб-авайлаш ва даволаш хусусида зарур маслаҳатлар беришади.

— Бизнинг шифохонамизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат анча арзон, — дейди даволаш маскани бош врачи, республикада хизмат кўрсатган шифокор Масловиддин Садриддинов. — Шу ўринда айтиш жоизки, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари учун тиш қўйиш ва тиш даволаш ишлари бепул амалга оширилади. Ҳозиргача жуда кўплаб кекса кишиларимиз бундай беминнат хизматдан баҳраманд бўлишди.

Дарҳақиқат, «Масловиддин ўғли Наримон» хусусий стоматология шифохонаси жамоаси аҳолига юқори сифатли хизмат кўрсатиш билан бирга, мана шундай савоб ишларни ҳам амалга оширяпти. Натижада улар қанчадан-қанча нуроний отахон ва онахонларнинг дуоларини олишяпти.

**Асқар ҲУСАНОВ,**
**уруш ва меҳнат фахрийси.**


## «12-ТРЕСТ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

**Касб-ҳунар коллежини жиҳозлаш учун қуйидагиларни:**

- *Ўқувчилар учун стол, стуллар ва турли хилдаги мебеллар;*
- *Металл кесиш ва ёғочга ишлов бериш дастгоҳлари;*
- *Медицина-тиш даволаш хонасини жиҳозлаш асбоб-анжомлари;*
- *Спорт буюмлари ва трепажерлар;*
- *Физика ва химия хоналари ва лабораторияси учун асбоб-анжомлар;*
- *Металлдан ясалган шкафлар, сейфлар ва дастгоҳлар;*
- *Газ ва электр пайвандлаш асбоблари;*
- *Компьютерлар, аудио-видео ва оргтехника;*
- *Қурилиш машиналари ва асбобларини*

**танлов асосида сотиб олади.**

Has@2442

Манзилимиз: «Ўзбекистон» шоҳкўчаси, 16-«А» уй (6-қават, 20-хона), тел.: 45-58-46, 78-26-61




*Соғлом авлод йили*

*Ҳавасим келади сенга, болажон...*

**Н.МУҲАММАДЖОНОВ сурат-лавҳаси.**

# ЎЗБЕК КИНОСИ ИККИ ОЙЛИГИ

Андижон кинотеатрлари янги йилнинг дастлабки кунларидан бошлаб томошабинлар билан гавжумлашди. Сабаби — вилоят ҳокимлиги республикамиз мустақиллигининг 9 йиллигини муносиб кутиб олиш, меҳнаткашларнинг намунали маданий дам олишларини таъминлаш, ўзбек миллий бадиий фильмларини кенг тарғиб қилиш мақсадида шу йилнинг январ-феврал ойларида «Ўзбек киноси икки ойлиги»ни ўтказишга қарор қилди.

«Андижонкиновидео» акционерлик бирлашмаси шу муддат давомида кинотеатрларда Ўзбекистон мустақиллигини мадҳ этувчи, маънавий-маданий қадриятлар ва миллий анъаналарни қайта тиклаш ва бойитишга бағишланган ҳужжатли ва бадиий фильмлар намойишини ташкил этади.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЎТ БАЛОСИДАН АСРАСИН

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 10 декабрдаги фармойишига асосан, вилоят, шаҳар, туман, аҳоли пунктлари ва халқ хўжалиги масканларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини юксалтириш мақсадида «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилмоқда. Бу тадбир 2000 йил 15 январга қадар давом этади.**

**«Халқ сўзи» мухбири Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғиндан сақлаш бошқармаси бошлиғи, ички хизмат полковниги Юсуп ҚОСИМОВ билан мазкур ойлик дастури доирасида қандай ишлар амалга оширилаётгани ҳақида суҳбатлашди.**

**— Юсуп Ўктамович, мана «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги»нинг дастлабки 20 куни ҳам ортда қолди. Шу ўтган давр ичида ёнғиндан сақлаш хизмати ходимлари томонидан қандай ишлар амалга оширилди?**

— Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғиндан сақлаш бошқармаси ва унинг қуйи тизим хизматлари томонидан мамлакатимиз ҳудудларида ёнғин хавфсизлиги ойлигини ўтказиш борасида бир қатор ташкилий ва амалий ишлар бажарилмоқда. Ёнғин хавфсизлиги тадбирларини аҳоли ўртасида кенг кўламда тарғиб-ташвиқ этиш мақсадида марказий ва маҳаллий телевидение билан ҳамкорликда 546 та кўрсатув, радио орқали 2907 та эшиттириш, газеталарда 575 та мақола чоп этилди. 1079 турдаги плакат ва эслатмалар 425 мингдан ортиқ нусхада нашр этилиб, тарқатилди. Халқ хўжалиги масканлари, ташкилотлар ва муассасаларда доимий ишловчилар учун 3950 та ёнғин хавфсизлиги бурчаклари ташкил этилди.

Асосий мақсадимиз ушбу ойлик тадбирлари давомида фуқароларимизга ёнғин оқибатлари ҳақида тўлароқ тушунча бериш, уларнинг олдини олиш борасида йўл-йўриқлар кўрсатиш ва энг асосийси, инсонларнинг ҳалок бўлиши ҳамда жароҳатланишининг олдини олиш, ёнғинлар оқибатида келтирилаётган моддий зарарларни имконият даражасида камайтиришдан иборатдир. Содир бўлаётган ёнғинларнинг 70 фоизидан кўпроғи аҳоли турар жойларига тўғри келиши ва уларнинг айнан қиш фаслида кўпайиб бораётганлиги ҳар йили ёнғиндан сақлаш тизимлари олдига талай муаммолар қўймоқдаки, уларнинг ечимини топиш ниҳоятда зарур.

Шундан келиб чиққан ҳолда, биз асосий эътиборимизни маҳаллаларда, маданий муассасаларда, ўқув юртларида таъсирчан, ёдда қоладиган қизиқарли учрашувлар, кўргазмали чиқишлар ва суҳбатлар ўтказишга қаратяпмиз.

**— Олиб борилаётган ушбу тадбирларнинг самараси қандай бўляпти?**

— Натижа ёмон эмас. Ёнғинлар содир бўлиш ҳоллари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1167 тага, яъни 58,2 фоизга, инсонларнинг ҳалок бўлиш ҳоллари 20 тага, тан жароҳати олиш ҳоллари 117 тага камайди.

**— Жойларда ёнғин хавфсизлиги талабларининг бажарилишига масъул бўла туриб, камчиликларга йўл қўяётган раҳбар ходимларга қандай чоралар кўриляпти?**

— Ҳақиқатдан ҳам, баъзи корхона, ташкилот ва муассасаларда ҳанузгача ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бажарилишига панжа орасидан қараб келинмоқда. Бу эса ўз навбатида ёнғин чиқишига сабаб бўлаяпти. Жумладан, Самарқанд вилояти Челак туманида жойлашган 11-сонли касб-ҳунар лицейида ўтган йил 19 декабр куни ёнғин содир бўлиши натижасида бинонинг 200 квадрат метрлик том қисми зарарланган. 23 декабр куни эса Сурхондарё вилояти Денов туманидаги «Наврўз» жамоа хўжалиги пахта қабул қилиш пунктида ҳам ёнғин чиқиб, анчагина моддий зарар келтирган. Афсуски, бу каби мисоллар кундалик ҳаётимизда ҳали ҳам учраб турибди.

Ёнғин хавфсизлиги талабларига эътиборсиз қараб келаётган бир неча раҳбар ходимларнинг иши ҳозирда ҳокимликларда тузилган комиссияларда кўриб чиқилмоқда. Масалан, Бухоро вилояти Тўқимачилик тумани ҳокимияти комиссияси томонидан «Ўзенгилсаноат»га қарашли «Табиат саховати» ҳиссадорлик жамияти раиси К. Шарипов, Бухоро улгуржи бозори раиси Х. Жабборов, «Лола» ҳиссадорлик жамияти раиси Ў. Нарзиеваларга ўзлари раҳбарлик қилаётган ташкилотларда ёнғин хавфсизлиги талабларини бажаришда нуқсонларга йўл қўйганликлари учун «огоҳлантириш» эълон қилинди. «Ўздонмаҳсулот» Давлат акционерлик корпорациясига қарашли Термиз бош дон қабул қилиш маскани мудири С. Саидаҳматов эса комиссия қарорига асосан, эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Ойлик бошлангандан бери эса вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимиятларида тузилган комиссия йиғилишларида жами 92 нафар раҳбар ходими интизомий жавобгарликка тортилди, 14 нафари эса вазифасидан озод этилди. Мана шу ўтган даврда «қоидабузарлар»га, яъни ёнғин хавфсизлигини таъминлашга мутасадди бўлган раҳбар ходим ва жавобгар шахсларнинг 9381 нафари 8560518 сўм миқдорида жарима солинди, ёнғин чиқиш хавфи бўлган 5048 та корхона, цех, муассасанинг иш фаолияти камчиликлар тўлиқ бартараф этилгунга қадар тўхтатиб қўйилди. 22621 та носоз газ асбоби, электр жиҳози, иситиш асбобларидан фойдаланишни тақиқлашга мажбур бўлдик.

Амалга ошираётган тадбирларимиз ҳали яна давом эттирилади. Мақсад: ёнғинлар олдини олиш, камайтиришга, қаратилган ишларни янада такомиллаштириш учун бор куч ва имкониятни ишга солиш. Муассаса, ташкилот, корхоналар раҳбарлари келгусида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масаласига жиддийроқ эътибор қаратишлари лозим. Шунда улар ўзларининг, қолаверса, корхона, жамоадошларининг ҳаётларини, мол-мулкларини ёнғин деб аталмиш хавфдан сақлашга катта ҳисса қўшган бўлдилар.


«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. РИЗАЕВ,
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт* — 133-57-34;
*Ҳуқуқ* — 136-07-94;
*Иқтисодиёт* — 136-36-65;
*Қишлоқ хўжалиги* — 136-37-85
*Маънавият ва маърифат* — 136-35-60, 132-10-65;
*Хатлар* — 136-29-89, 133-07-48;
*Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар* — 132-12-08;
*Халқаро ҳаёт* — 132-11-15;
*Котибият* — 133-10-28;
*Эълонлар* — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 017, 25163 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — Қ. ЭШМАТОВ.
Навбатчи — Т. АБДУРАҲМОНОВ.
Мусаҳҳиҳ — А. САТТОРОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 02.10*
1 2 3 4 5 6



ABN·AMRO The Network Bank

Обрў-эътиборли "Euromoney" молия журнали томонидан

**АБН АМРО Банк МБ Ўзбекистон А.Ж.**

1999 йилда Ўзбекистоннинг энг яхши банки, деб тан олинди.

CENTRAL EUROPEAN AWARDS 1999

## ABN AMRO BANK

**Best Bank in Uzbekistan**

Бизнинг ҳамкорликдаги банкимизнинг асосий таъсисчиси-АБН АМРО Банкдир. Бу универсал банкнинг тарихи ўтган аср бошидаги Голландия тарихига бориб тақалади. Бугун АБН АМРО Банк дунёнинг 76 мамлакатида ўз филиалларининг кенг тармоғига эга бўлган энг йирик халқаро молиявий конгломератлардан биридир.

*Биз:*
- Ўзбекистон молия бозорида энг яхши банк хизматларини;
- Банк хизматларининг кенг мажмуасини — пул кўчириш ва тижорат кредитидан тортиб, конвертация жараёнлари ва мижозлар эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган мураккаб таркибий молиялаштиришгача;
- «Электрон банк иши (банк-мижоз тизими)» ва пластик карточкалар каби маҳаллий бозор учун мутлақо янги бўлган банк хизматларини тақдим этамиз.

**СИЗНИ ЎЗ МИЖОЗЛАРИМИЗ САФИДА КЎРИШДАН ХУРСАНДМИЗ ВА САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШ УМИДИДАМИЗ!**

*Бизнинг манзил: Тошкент ш., Ҳ.Олимжон майдони, Ғарбий томон, Бизнес-комплекс, 4-подъезд. Телефон: 120-61-41.*

2293


**Халқаро кураш Ассоциацияси, Республика Кураш миллий федерацияси ўзбек курашининг халқаро миқёсда тан олинганлигининг бир йиллиги муносабати билан мамлакатимизда «Кураш — менинг ифтихорим» шиори остида ўтказган кураш ойлиги полвонлар юрти — Сурхондарёда кўпгина ёш ҳамда умидли спортчиларни кашф этди.**



# ПОЛВОНЛАР БАҲСИ

Мусобақанинг энг қизиқарли беллашувлари 5-6 январ кунлари Термиз шаҳридаги «Алпомиш» ўйингоҳида бўлиб ўтди. Унда асосан кураш ойлигининг биринчи ва иккинчи босқичида ҳудудлараро мусобақаларда ғолиб чиққан командалар, шунингдек, ўз вазнларига кўра, биринчиликни қўлга киритган курашчилар иштирок этишди.

Қизғин баҳслар остида ўтган мусобақада сариосиёлик полвонларнинг қўли баланд келди. Ака-ука Ёдгор ва Сулаймон Шералиев, Ҳамро Тилаков, Анвар Эгамбердиев, Қудрат Жабборов каби полвонларнинг саъй-ҳаракати туфайли Сариосиё терма жамоаси мусобақада ғолибликни қўлга киритди.

Шунингдек, Шўрчи тумани полвонлари иккинчи ҳамда Бойсун тумани курашчилари совринли учинчи ўринларни эгаллашди.

Беллашувда муваффақиятли иштирок этган команда ва полвонларга вилоят ҳокимлиги ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими бошқармаси, халқ таълими бошқармаси, вилоят касаба уюшмалари кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими, «Камолот» жамғармаси вилоят бўлими, вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг диплом ва қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

**Мусурмон ТИЛАКОВ.**
**«Туркистон-пресс».**

*Тошкент шаҳар ҳокимлиги ижроия маҳкамаси Ободонлаштириш бош бошқармасининг Ободонлаштириш объектларини қуриш бўйича дирекцияси Аҳмад Дониш ва Уста Ширин кўчалари кесишган жойда муҳандислик коммуникациялари ўтказилиши муносабати билан Аҳмад Дониш кўчаси ёпилишини, бу ерда шу йил 11 январдан 13 январгача барча русумдаги транспорт қатнови тўхтатилишини маълум қилади. Автобуслар ҳаракати Аҳмад Дониш кўчасидан Нуриддинов ва Йўлдошев кўчалари орқали Уста Ширин кўчасигача ташкил этилади, ундан кейин одатдаги йўналиши бўйлаб давом этади.*

*Троллейбуслар ўрнига автобуслар сони кўпайтирилади.*

**«Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси.**





**Алюминийдан тайёрланган дераза ромлари ва витраж тизимлари:**

- турли шакл, ўлчам, рангдаги дераза, эшик, витражлар тайёрлаш
- турли аркалар тайёрлаш
- чанг ва товуш ўтказмаслик
- ойналарнинг ҳаво ўтказмаслиги
- очиладиган ва суриладиган қурилма, жалюзилар ўрнатиш учун қулай
- ёнғиндан хавфсиз.

**Якка буюртмалар қабул қиламиз.**

Йил мобайнида сервис хизмати кўрсатиш.

ALQUR

Манзил: Тошкент ш., Бектемир тумани, «Оҳангарон» шоҳкўчаси, 2. Тел.: (371) 185-67-78, 185-67-74, 130-79-90. Факс: (371) 98-47-00.

Бизнинг дилерларимиз: Андижон ш., Фитрат кўчаси, 214. Тел./факс: (37422) 25-25-94. Навоий ш., "Феникс Ко" фирмаси. Тел.: (43622) 30761.

Ф/1907


Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги марказий аппарати, касаба уюшма қўмитаси вазирлик мева-сабзавотчилик бошқармаси бошлиғи ўринбосари
**Ҳабибулло ХОЛИЙИГИТОВнинг**
бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат юридик институти ректорати ва жамоаси институт илмий ишлар бўйича проректори, юридик фанлари доктори
**Йўлдош КАРАКЕТОВнинг**
бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.